Е-40693

Халқ зиёлилари рўзномаси

Маърифат

معرفت

MARIFAT

1931 йил 4 июлдан чиқа бошлаган

1993 ЙИЛ 29 МАЙ, ШАНБА

№ 36 (6547).
Баҳоси 5 сўм.

ДЎСТЛИК РИШТАЛАРИ МУСТАҲКАМЛАНАДИ

Республикамиз истиқлолга юз тутганида Туркия Республикаси Ўзбекистонни мустақил давлат сифатида биринчилардан бўлиб тан олган эди. Шундан кейин қондош ва жондош мамлакат билан маданий-маърифий соҳада ҳам алоқалар кенгая бошлади. Жумладан, Туркия миллий маориф вазирлиги билан Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги ўртасида маориф соҳасида ҳамкорлик қилиш бўйича қатор шартномалар имзоланди. Шартномага кўра, бизнинг бир гуруҳ талабаларимиз қардошлар диёрида таълим олиш имкониятига эга бўлишди.

Барча вилоятлар, Қорақалпоғистон Республикаси ҳамда Тошкент шаҳридаги ҳунар-техника билим юртларида 1-курсларидан танлов асосида саралаб олинган ўқувчилар Туркиянинг ҳунар лицейларига қабул қилиндилар. Айни кунда Туркиянинг 13 та шаҳрида жойлашган ҳунар лицейларида ўзбекистонлик ўқувчи-ёшларнинг 293 нафари республикамиз корхоналари учун зарур бўлган 16 та мутахассислик бўйича касб-ҳунар ўрганаётирлар. Улар Ватанимизга икки-уч йил ичида замонавий либос тикувчиси (қизлар учун), меҳмонхона ва туризм, электроника, қурилиш, машинасозлик, қишлоқ хўжалиги соҳалари сирларини мукаммал эгаллаб, мазкур касбларнинг билимдони бўлиб қайтишади.

Куни кеча ишчи касбларини ўрганаётган талабаларимиз Туркиядан Тошкентга иккита тайёрада учиб келишди. Уларнинг Ўзбекистонга таътил учун қайтиши байрамга айланди. Республика Халқ таълими вазирлиги қарамоғидаги соғломлаштириш марказлари ва оромгоҳларидан уларга таътилни ўтказиш учун жой ҳозирлаб қўйилган. Улар хоҳишларига кўра, бу оромгоҳларда ҳордиқ чиқаришлари мумкин.

Туркияда таълим олаётган талабалар фақат дам олиш билан чекланишмайди. Улар ўзлари илгари таълим олган ўқув масканларида бўлишиб, билим юртларининг муҳандис-муаллимларига, ўқувчиларга қардош юрт тарассуротлари, ўқув даргоҳларининг хусусиятлари, тенгқурлари ҳақида сўзлаб бердилар. Сентябрь ойининг ўрталарида эса улар ўқишни давом эттириш учун яна Туркия шаҳарларига жўнаб кетадилар.

Хуллас, республикамиз тараққиётига, равнақига муносиб ҳиссасини қўшишга тайёргарлик кўраётган ҳар бир иқтидорли ўқувчига қўлимиздан келадиган ёрдамни аямаймиз.

В. ШАРИПОВ,
Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги Ҳунар-техника таълими Бош бошқармаси бошлиғи.

УЛУҒ АЙЁМЛАРИНГИЗ МУБОРАК БЎЛСИН!

А. ТЎРАЕВ сурат-лавҳаси.

1 июнь—Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни

КЕЛАЖАК ТАЯНЧИ

«Болалик уй — бозор», дейди халқимиз. Бу ҳикмат замирида олам-олам маъно — меҳр-муҳаббат, орзу ва умид, буюк келажакка ишонч бор. Шу сабабли қадим-қадимдан элимизда бир болага етти маҳалла ота-оналик қила олган. Ўғил-қизларнинг жисмоний, маънавий, ахлоқий баркамол бўлиши учун ҳамма-ҳамма қайғурган. Чунки ҳар жиҳатдан соғлом авлоднинг камол топиши халқ ҳаётининг изчил давомийлигидир. Айни пайтда бу қадриятларнинг сақланиши ва бойиши, киндик қони тўкилган она заминнинг эъзозланиши, юрт ободлиги ва эл фаровонлигининг ҳам кафолатидир.

Бугунги кунда мустақил Ўзбекистон раҳбарияти ҳам ёш авлодга чинакам оталарча ғамхўрлик қилишни ўзининг бош вазифаси сифатида қарамоқда. Зотан, Ватан равнақи, мустақиллик барқарорлиги келажак эгалари бўлган ўғил-қизларнинг қай даражада таълим-тарбия олишига, билимдон, меҳнатсевар, одоб-ахлоқли, эл-юртга садоқатли бўлиб камол топишига боғлиқдир. Шунинг учун ҳам Ўзбекистон Президентининг қатор фармонлари бозор иқтисоди шароитида ёш авлодни иқтисодий муҳофаза қилишга, уларнинг ўқиши ва касб-кор эгаллаши учун шарт-шароитлар яратишга, халқ таълими соҳаси ходимларини иқтисодий ва маънавий қўллаб-қувватлашга қаратилди. Бунинг учун, тақчиллик шароитига қарамай, давлат бюджетидан миллиардмиллиард сўмлар ажратилди ва ажратилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Асосий Қонунида ёшларнинг билим олиши давлат томонидан кафолатланиши, мамлакат Олий Кенгаши томонидан «Таълим тўғрисида» Қонуннинг қабул қилиниши, «Соғлом авлод учун» орденининг таъсис этилиши — буларнинг ҳамма-ҳаммаси камол топаётган ўғил-қизлар тақдири, демакки, мамлакат келажаги ҳақида қайғуришнинг ёрқин далилларидир. Ҳа, аҳолисининг аксарият қисми ёшлар бўлган Ўзбекистон раҳбариятининг чинакам инсонпарварлик сиёсати бу!

Болаларнинг эркин улғайиши учун тинч, осойишта ҳаёт зарур. Чунки нотинчликдан, урушлардан энг жабр кўрадиганлар — бу болалардир. Тожикистондаги биродаркушликдан, Қорабоғдаги ва Кавказ ортидаги уруш ва жанжаллардан, Югославиядаги жанглардан қанчадан-қанча норасидалар қон қақшаётгани бугун ҳеч кимга сир эмас. Африкада болалар очликдан тинкаси қуриса, Палестинда снаряд остида нобуд бўлса, Афғонистонда ўқдан яраланса, яна қаерлардадир юқумли касалликларга учраса, ҳар бир тараққийпарвар инсон, ҳар бир тинчликсевар давлат, ҳар бир одил сиёсатчи бунга бефарқ қарай оладими? Йўқ, албатта. Шу сабаб ҳам болаларни ҳимоя қилиш ҳаракати жаҳон миқёсида олиб борилаётир. Ҳар йили 1 июнни — Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни сифатида нишонланиши, жаҳондаги минглаб шаҳарларда Тинчлик акциялари ва бошқа тадбирларнинг ўтказилиши анъана бўлиб қолди.

Мустақил республикамизда ҳам бу кун кенг нишонланади. Шаҳар ва қишлоқларда болалар байрамлари, «Бирдамлик» тадбирлари, кечалар, учрашувлар, концертлар бўлиб ўтади. Болалар ижоди кўргазмалари, битирувчиларнинг касб-танлаш баҳслари, маҳорат ва нафосат кўриклари ҳаммаҳаммага олам-олам завқу шавқ бағишлайди. Махсус мактаб-интернатларда етимесирлар ва ногиронлар кўнглини кўтариш тадбирлари ҳам болалар учун катталар ғамхўрлигининг яққол бир тимсоли бўлади.

Умуман, Халқаро болалар кунига бағишлаб ўтказиладиган барча тадбирларда болажон халқимизнинг буюк келажак эгаларига ғамхўрлиги, меҳр-мурувватн яна бир бор катта кўрикдан ўтади.

ХОТИРАСИ ЭЪЗОЗЛАНДИ

Иброҳим Мўминов. Илм оламида бу номни эшитмаган, дил-дилдан ҳурмат қилмаган одам бўлмаса керак. Бу улуғ зотнинг фандаги фидойилиги, ватанпарварлиги, меҳнатсеварлиги ҳақида катта-катта китоблар ёзиш мумкин ҳаттоки?

Яқинда Ўзбекистон Республикаси Фалсафа жамияти, Ўзбекистон зиёлилари илм-маърифат уюшмаси ҳамда ТошДУ фалсафа факультети биргаликда Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг академиги, Беруний мукофоти лауреати, республикада хизмат кўрсатган фан арбоби, фалсафа фанлари доктори, профессор Иброҳим Мўминов таваллудининг 85 йиллигига бағишлаб хотира йиғинини ўтказишди. Хотира йиғинида Ўзбекистон Республикаси Фалсафа жамияти президенти, профессор С. Ш. Шермуҳамедов, Ўзбекистон Республикаси зиёлилари илм-маърифат уюшмаси президенти, академик Э. Ю. Юсупов, академиклар И. Искандаров, О. Салимов, П. Ҳабибуллаев, М. Хайруллаев, Е. Тўрақулов, Ш. Ўразаев, Ш. Шоабдураҳмонов, Фанлар академиясининг мухбир аъзолари: А. Аъзамхўжаев, С. Азимжонова, ёзувчилардан Жамол Камол, Тўра Мирзо ва бошқа бир гуруҳ олимлар атоқли олим, йирик фан ташкилотчиси, давлат ва жамоат арбоби Иброҳим Мўминов ҳақидаги хотираларида бу улуғ инсоннинг фазилатлари, илм-фан ривожи учун кўшган салмоқли ҳиссаси тўғрисида тўлқинланиб гапирдилар.

Хотира йиғинида И. Мўминовнинг қариндош-уруғлари, яқин кишилари ҳам иштирок этишди.

Мухбиримиз.

Билиб қўйки, сени Ватан кутади

ЎН ЕТТИ ЁШЛИЛАР

МОНОЛОГ

Шабнамдай покиза, дилбар тонгдай беғубор, нилий осмондай шаффоф, кўзлари яшноқ юлдуздай, қалби дарёдай тўлқинли ёш авлод! Бу кун вужудинг ўзгача: кўзларинг ҳам, қалбинг ҳам кулиб боқади одамларга. Ҳисларинг ёниқ, орзуларинг қанот боғлаган, фикрларинг чўғли, одамларни, ҳаётни тушунишда янгича қарашларинг бор. Сен кўз очиб киндик қонинг тўкилган она-Ўзбекистонда оппоқ тонглар ота бошлади. Йўқ, йўқ, Марказий Осиёда ҳам тонглар янги баҳор, озодлик нафасини уфуряпти. Бироқ юрагида ҳали ғуборлар, доғлар йўқ эмас. Бу ўтмиш асорати, иқтисодий танглик. Момо диёрнинг қаддини тиклаш учун унга муносиб зукколар, ўринбосарлар даркор. 90-йиллар фарзандлари унга суянчиқ, юрак қон томирлари бўлишига ишонаман.

Ватан! Бўрсилдоқ нондай азиз, она сутидай покиза энг мўътабар ном бу. Сен мактабга қатнаган кунингдан то нурхона билан хайрлашганингга қадар Ватан тушунчасини митти юрагингга жо этгансан. Юз эллик йилча қуллик ва қабоҳат ҳалқалари ичра инграган Ватан Мустақиллик шарофати ила нурли қиёфага кирмоқда, янги ғоялар билан қад ростлаяпти. Эндиликда унинг ватанпарварлик мафкурасини яратиш, уни мустаҳкамлаш ҳозирги оталар ва ёшларга боғлиқ эмасми?

Долғали давр, янги замон яна синов қиляпти сени. Ҳаёт — ижодкорлик ва кураш майдони. Яшаш — бу кураш дегани. Ўн йил мактаб синов қилди сени оилада ака-укаларинг, ота-онанг ҳам синов қилди сени. 11-довон энг асосийси. Ундан дадил ўтишинг учун эътиқодга имтиҳон топширишинг шарт. Ҳа, бугун яна безовтасан, ҳислар туғёнида ҳаяжондасан. Фикрларингда, ёниқ ҳисларингда, ҳаяжонларингда нурланиш, ақлни чархлаш, ҳуллас, буюк ўзгаришлар сезяпман сенда. Буларнинг ҳаммаси Ватан истиқлолига бахшида эмасми? Фикр-ўйларингда янги Ватан фуқароси бўлиш, унга эзгуликлар келтириш, билим, тарбия, таълим формулалари, ечимлари намоён. Маънолар уқаман бу тушунчалардан. Сабр-қаноату, билим ва маҳорат нурлари акс этмоқда ақлинг чироқларида.

Ёшлик сўлим баҳорга монанд, лекин битта фарқи бор. Баҳор ҳар йили юз кўрсатади, ёшлик эса қайтиб келмайди, фақат унинг ўтли тафтию, завқу-шавқлари кезади қонингда. Аммо унинг умри қиш деган фаслдан бутунлай йироқ.

Неча миллион йилларким, қуёш барчага бир хил нур сочади. Аммо бирор ери кемтик бўлиб қолгани йўқ. Китоб ҳам мисоли қуёш, ҳамма ундан улуш, қалбига маънавият нурларини олади. Унинг одамларга маърифат, ёруғлик сочишдан бошқа вазифаси йўқ. Китобда илми муомала — дунё илми акс этган. Зеро, «Илм ўрганиш ҳар бир эркак ва аёл устидаги вазифадир», «Бешикдан то қабргача илм изла». Муқаддас китоб Қуръони Карим ҳам инсоннинг ҳаётдаги ўрни, ахлоқи ҳақида шундай ибрат беради. Дарслик ва қўлланмалар энг инсоний ғоялар асосига қурилаётгани нақадар соз!

Ўқитувчи — боғбон, ўқувчи — ниҳол, мактаб — нурхона. Сен ўн бир йил унинг нурларини симиряпсан, фанлар силсиласида ақлинг пешланди. Инсоннинг ҳаётдаги ўрни ва келажак тилсимларини ечишни ўргандинг ундан. Илк бор сен бамисли гил эдинг, онанг — кулол. Онанг ақлидан қувват олдинг, ўқитувчи фарзандим, деб бошига кўтарди. Сен эса мактабни иккинчи уйим, муаллимни бўлса иккинчи онам, отам деб эъзозладинг. Унинг сўзларидан зар тердинг ўзингга. Энди ўзинг ҳам заргар бўлиб қолсанг ажаб эмас. Ҳадемай, мактабни тарк этгайсан. Устозлар шогирдларидан, шогирдлар устозларидан ажрамоқ нақадар оғир. Мактаб бир ўтли вужуд бўлса, сен унинг кўзу қулоғи, қалб томири бўлдинг.

Ўн етти ёшлиларда ота-оналар ҳам, ўқитувчилар ҳам, одамлар ҳам бадбинликни эмас, фақат хушфеълликни кўришни истайди. Хушфеъл кишиларнинг дўстлари кўп бўлур. Ахир, дўсти кўп одам мустаҳкам қояга ўхшайди. Бу некбин туйғуларни сен ота-онанг ва устозларингдан олдинг.

Яна имтиҳонга кирмоқдасан. Қўлингда китоб, юрагингда илму урфон. Бошингда мусаффо осмон, қалбу шуурингни буюк эзгуликка чулғаб олган. Сен ўз жавобларингда юрак шаклини чизишга ошиқасан. Ҳа, жавобларингга китоб нур бўлиб қуйилаверади.

Буюк даҳолар, донишмандлар айтганларидай, инсон қадри билим билан ўлчанади. Билим ақл-идрок фарқини ва нафини белгилайди. Билимнинг асосий хусусияти наф келтиришдан иборат экан, ўтмишда ҳам, ҳозир ҳам қадрлашган, эҳтиромлар келтиришган унга. Билим — сўз. Сўз эса — ҳаётнинг қайноқ сарчашмаси, даҳоларнинг сўнмас ижоди. Ҳаяжонли жавобларингда ақл-идрок, фикрий теранлик, донолик кечади. Муаллим сомондан донни ажратиб олгандай жавобларингдан қониқиш ҳосил қилди шекилли, жилмайиб қўйди. Унинг жилмайишларида сендан розилиги, фикрларингдан қониқиш ҳосил қилганлигини сездим. Дунёни шодлантирмоқчи, унинг шодлигини олмоқчи бўлган одамга бир йўл бор: бу эзгулик қилиш. Эзгуликни кўрмоқчи бўлган кишининг ўзи бошқаларга ҳам эзгулик улашиши шарт.

Эй, ўсмир ўғлон, ғунчадек бокира қиз, фикринг нурланиб, қалбингда комил инсон бўлиш учун гўзал фазилатлар, буюк эътиқод ниҳоллари ғунчалаяпти. Ҳаётнинг катта йўлига чиқаяпсан. Эзгуликлар қилиш ҳақида ўйлаяпсан. Эзгулик бебаҳо гавҳар, асл ипак ва тоза шойига монанд, у доимо эъзозланади, эзгу ишлар қилганлар эзгулик топаверади.

Мактабда одобдан сабоқ олдинг. Яна олишинг керак. Оламдаги энг улуғ фазилат — яхшилик қилмоқ ва гўзал ҳулқдир. Иккинчиси ростгўйлик, учинчиси ҳаё. Мана, шу уч фазилат бирлашса, у комил инсон бўлиб етишади. Қут-иқболи унинг ҳузурига бош эгиб келаверади. Кимнинг хулқи гўзал бўлса, у ҳамиша севилган, севилади. Комил инсон йўли — донолик, билим олишдир.

Донишмандлар, ота-оналар фарзанд кўрар кўзим нуридир, келажак ёдгоримдир, дейишган. Бугунги оталар ва оналарнинг ягона ташвиши фарзандинг кейинги тақдири. Сен ва тенгдошларинг мактаб билан хайрлашар экан, мақсадсиз яшамаслигингга ишонаман. Бирор касб ёки ҳунар этагини тутгайсан. Балки бирор олий илм даргоҳида сабоқ олгайсан. Сени олдинда яна қанча имтиҳонлар кутмоқда. Умринг, ҳаётинг фақат эл-юрт имтиҳонидан ўтиш.

Миллий истиқлол мафкурасини дилига, тилига, юрак туйғуларига • омухта қилишади. Мустақилликнинг эртанги куни учун фаъолиятворини, билим ва касбини созлайди, йўлини тўғрилик ва ростгўйликка, адолат ва ҳақиқатга буради. Уларнинг нияти фақат эзгулик, эътиқодга садоқат! Эътиқоду садоқатдан эса маърифатга муҳаббат, ҳақиқатга ишониш туйғулари гул очади. Сен бу туйғуларни қалбингга ёзгансан, азиз ёш авлод!

Ашур Али АҲМАД ўғли.

ИМТИҲОН: ЎҚУВЧИ, ЎҚИТУВЧИ УЧУН ҲАЯЖОН

Шу кунларда билим масканларига қадам қўйган киши одатдагидан қандайдир бошқачароқ ҳолатни кузатади. Ўқувчилар одатдагидан кўра жиддийроқ, гўё коптоки тепишлару, қизларнинг сочидан тортиб қочишларни тарк этишгандек. Айни дамда кўпинча уларнинг қизғин баҳси устидан чиқасиз. Дарҳақиқат, ўқувчи учун ҳам, ўқитувчи учун ҳам, ҳатто, ота-оналар учун ҳам муҳим давр — синов даврн бошланганидан далолатдир бу. Шу кунлардаги ҳаяжонларнинг уларнинг ўзлари қуйидагича ифодалайди:

Гулчеҳра Усмонова, Самарқанд вилояти Гўзалкент туманидан, ўрта мактабнинг 8-синф ўқувчиси:

— Бугун йил давомида олган билимларимизни торозуга солиб ўлчайдиган кун. Менимча, бу кунда ҳаммаям қаттиқ ҳаяжонланса керак. Айниқса, бизга ўхшаган қишлоқ болалари. Чунки бизнинг пухта билим олишимиз учун шаҳар болаларининкидек шарт-шароитлар етарли эмас. Йилнинг ёз, куз фаслларида ота-оналаримизга дала ишларига қарашиш учун кўп вақтимиз сарф бўлади. Шунга қарамасдан кўпроқ китоб ўқишга, дарс тайёрлашга ҳаракат қиламиз.

Мана, бугун бизга кимё фанидан имтиҳон бўлаяпти. Мен учун энг қийини шу. Чунки баъзи кимёвий ибораларни, элементларни қанча ҳаракат қилсам ҳам унчалик тушунмайман. Шу фандан ўтиб олсам, қолган имтиҳонларни аълога топширишимга ишонаман.

Музаффар Азизов, Самарқанд вилояти Паст Дарғом туманидан, 10-синф ўқувчиси:

— Биз жуғрофия фанидан имтиҳон топширяпмиз. Дейрли, ҳаяжонланмаяпман. Чунки мен имтиҳон топшириш учун билимдан ташқари омад ҳам керак, деб ўйлайман. Агар одамнинг омади чопса, билган билети ва билган саволлари тушади. Қарабсизки, яхши баҳо олиш ҳеч гапмас. Шунинг учун имтиҳон бўладиган кунлари эрталабданоқ омад чопишига боғлиқ удумларга эътибор қиламан. Масалан, эрталаб, албатта, онамнинг дуосини оламан. Ундан ташқари, мен учун бу фан жуда қизиқарли.

Юсуфжон Неъматов, Тошкент шаҳридаги 243-мактабнинг олий тоифали кимё фани ўқитувчиси:

— Имтиҳон нафақат ўқувчилар учун, балки ўқитувчи учун ҳам ўз билимини, қобилиятини синайдиган кун. Ахир доно халқимиз «Нима эксанг, шуни ўрасан» деб бекорга айтмаган. Биз худди мана шу имтиҳон кунида болаларга қандай билим берганимизни, йил давомида қандай хатоларга йўл қўйганимизни аниқлаб оламиз ва келгуси йилда ниманларга эътибор беришимиз лозимлигини режалаштирамиз. Мана, бугун менинг фанимдан бир ўқувчи имтиҳонни «2» баҳога топширди. Бу ҳол ўша ўқувчига қандай таъсир қилганини билмайман, аммо мени изтиробга қўйди. Келгусида ўқувчи кўнглига йўл топишнинг яна янги-янги йўлларини излашим лозим эканлигини ҳис қилдим.

Саломатхон Сафохонова, Тошкент шаҳар, Қорақамиш даҳасида яшовчи она:

— Ҳар бир ота-она учун фарзандининг имтиҳон топшириши байрам бўлса керак. Масалан, мен бир она сифатида фарзандим билан теппа-тенг ҳаяжонланаман. Имтиҳон бўлишидан бир кун олдин фарзандларимнинг билимларини ўша фан бўйича саволлар бериб синаб кўраман. Фарзандларим имтиҳондан қайтгунча на ўтирганимда, на турганимда ҳаловат бўлади. «Аъло» баҳо олиб қайтишса, шу куни уйимизда байрам бўлиб кетади, десам муболаға бўлмайди.

З. УСМОНОВА
қоғозга туширди.

Мактабларда ўқишлар якунланиб, синфдан-синфга кўчириш, битириш имтиҳонлари ҳам бошлаб юборилди. Бу даврда синфларни, илм даргоҳларини янги ўқув йилига тайёрлаш ишлари ҳам уюшқоқлик билан бормоқда.

Тошкент шаҳридаги 28-ўрта мактабда, айниқса, бу масалага алоҳида аҳамият билан қаралмоқда.

Х. МИРЗАКАРИМОВ
олган суратлар.

1 июнь—Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни



ОСУДА ГЎШАЛАР

Шиддатли даврга хос муҳим бир хусусият шуки, биринчи галда инсон маънавияти синовдан ўтади. Бундай дамларда кимнинг нимага қодирлиги равшан аён бўлади. Қашқадарё вилояти Ғузор туманидаги «Шўртангаз» бирлашмаси раҳбарияти бозор иқтисодиёти синовларидан муваффақиятли ўтиб келаётганлар сирасидан. Улар тасарруфларидаги икки боғчани ёпилишдан сақлаб қолдилар. Баъзи идора, ташкилот ва бирлашмалар аксинча ҳаракат қилаётган бир пайтда қашқадарёлик бурғучиларнинг инсонпарварлиги ва меҳр-оқибати эътиборга лойиқдир.

— Шароит ҳар қанча оғир бўлмасин, боғчаларимизни ёпиш ниятимиз йўқ. Сабаблар жиддий бўлса-да, гўдакларимизни боғчалардан мосуво қилишимиз инсофдан эмас. Қолаверса, катта ташкилот ҳамёни боғчаларга кетадиган маблағ билан ночорланиб, аксинча тўлиб қолмайди, — деди биз билан суҳбатда «Шўртангаз» бирлашмаси бошлиғи Абдулла Абдуназаров.

«Шўртангаз» бирлашмасининг боғчалар билан боғлиқ ҳужжатларини кўздан кечирдик. Ташкилот икки боғча учун 1993 йилнинг ўзида 8 миллион сўмга яқин маблағ ажратибди. Кичкинтойларни тарбиялаш йўлида меҳнат қилаётган тарбиячи ва бошқа боғча ишчи-хизматчилари ҳам мазкур жамоа аъзолари фойдаланаётган барча имтиёзлардан тўла баҳраманд бўлишмоқда. Булардан айримларини мисол тариқасида келтириш мақсадга мувофиқдир. Ўтган йилнинг ўзида 44 нафар боғча ходимларининг уйлари бепул хусусийлаштириб берилганди. 30 нафар тарбиячи Иссиққўлда ҳордиқ чиқарибди. Ҳозирги кунларда тушлик учун кунига 200 сўмдан, тўй ва бошқа ҳашамлар учун эса мўмайгина моддий ёрдам, боласини уйда боқиб ўтирган аёлларга ойига минг сўмдан пул берилаётган экан.

Шунингдек, тарбиячилар уй қуриш учун юз минг, қорамол ёки ушоқ мол сотиб олиш учун ўттиз минг, дала ҳовли қуриш учун эса етмиш минг сўм миқдорида қарз олишлари мумкин. Минг эшитгандан бир кўрган афзал. Бирлашмага қарашли «Нодира» ва «Семурғ» болалар боғчасини бориб кўрдим. Ҳар иккала боғча ҳам Қарши шаҳрида жойлашган. Кўп қаватли уйлар ўртасидаги бу муассасалар ота-оналар ва болалар учун жуда қулай. Негаки, кўп қаватли уйларда деярли «Шўртангаз»да ишлайдиган ишчи ва хизматчилар истиқомат қилишади.

«Нодира» боғчасида болаларнинг яйраб-яшнаб юришлари учун барча шарт-шароит муҳайё. Кенг ва ёруғ хоналар, ўйинчоғу, оромгоҳлар, мўъжазгина спорт зали, ёзги ва қишки чўмилиш ҳавзалари, тиш даволаш хонаси... Малакали тарбиячилар, етук шифокорлар болажонлар атрофида парвона.

Бу ердаги саранжом-саришталик, мавжуд нарсаларнинг ўз ўрнида, кўркам жойлаштирилганлиги, муаттар бўй таратиб турган чаманзор ҳовли, — ҳамма-ҳаммаси кўзни яшнатади. Боғча мудираси Софья Абдуназарова эндигина битаётган қишки чўмилиш ҳавзаси, қатор териб қўйилган компьютерларни кўрсатди. Унинг гапига қараганда, компьютерлар билан ишлашга болаларни ўргатиш йўлга қўйилмоқда.

Гуруҳларни кўздан кечириб чиқдик. Капалакдек ясанган қизалоқлар инглиз тилида шеър ўқиб беришди.

— Инглиз тилида жаҳондаги жуда кўп халқлар гаплашади. Яхши ният билан инглиз тили ўқитувчисини ишга қабул қилдик. У болаларимизга инглиз тилини ўргатаяпти, — деди мудира хушнуд бўлиб. «Семурғ» боғчаси ҳам «Нодира»дан қолишмайди. Бу ерда ҳам жажжи инсонларнинг бахтли болалиги шоҳиди бўлдик. Яйраб-яшнаб ўйнаб юрган болажонларни қизиқ-қизиқ машғулотларни, боғча опасидан мароқ билан эртак тинглаётган ҳайрат тўла беғубор кўзларни кўриб кўнглимда чироқ ёнди. Инсон болалигининг битмас-туганмас эртаклари, осмон янглиғ бепоён оламига кириб қолгандек бўлдим.

«Семурғ»да яратилган қулайликлардан яна бири бу ерда электр нурлари билан муолажа қилиш хонаси мавжуд. Электр аппаратлари аъло даражада ишлаб турибди. Ишини мукаммал биладиган шифокорлар қулоқ, бурун, томоқ хасталикларига чалинган болаларни шу ернинг ўзидаёқ даволашди. Турли мевалар, зиравор ўтлар ва гиёҳлардан шифокорларнинг ўзи тайёрлаган ичимликлар болажонлар қувватига қувват қўшувчи ғаройиб хислатларга эга. Қани энди, шундай боғчаларимиз кўпроқ бўлсаю, азиз фарзандларимиз осуда, соз бу гўшаларда тарбияланса...

Шарофат ИСКАНДАР қизи.

ҲАЗРАТИ БАҲОВУДДИН НАҚШБАНД — ТАВАЛЛУДИНИНГ 675 ЙИЛЛИГИ

ДИЛИНГНИ ҲАҚҚА ТИККИЛ...

Йўқ бу оддий калом эмас. Уни лоқайд тилга олмоқ гуноҳи азим. Унинг замирида дунё дунё бўлганидан буён излаётган нимадир мавжуд.

Дилингни ҳаққа тиккил... Бу соҳир садо ичинда қишнинг қаҳратонидан паноҳ ахтарган қушлар қишлайди. Дарёлар олдинга, қараб чопаверади, чопаверади.

Дилингни ҳаққа тиккил... Қор тагидан бойчечаклар бош кўтаради, қизғалдоқнинг қорачўғида умид учқунлари ялт-ялт ёнади. Навбаҳор чечакларининг иси, чақалоқнинг илк кулгуси мужассам унда.

Дилингни ҳаққа тиккил... Ойдин кечаларда само кипригига сон-саноқсиз юлдузлар қўниб улкан ёруғликни туш кўришади. Ўн саккиз минг олам бирлашиб, осмонида турналар қўл ушлашиб рақсга туша бошлайди.

Дилингни ҳаққа тиккил... Юракнинг қатлам-қатламларидаги музликларни эритиб юборади бу калом. Оламнинг офтоб нури етмаган жойларини ақл нури бўлиб ёритади ул...

Дилингни ҳаққа тиккил... Дарахтларнинг бошларига кўтарган яшил байроғи. Оналарнинг кўзидаги меҳр булоғи.

Дилингни ҳаққа тиккил.. Туннинг кимсасиз саҳроларидан ёлғизларни эсон-омон олиб чиқади. Бошпанасизга бошпана, мусофирнинг кўнглига қувват, юпунга кимхоб либос бўлади.

Дилингни ҳаққа тиккил.. Бу соҳир каломни узун тунлар кўксига авайлаб босиб аллалаб чиқади фарзандсиз аёл. Бу сўз дилида муҳаббат борларга энг олий висол.

Дилингни ҳаққа тиккил.. Дўстни — нодўстни ажратиб олишингга, қоқилсанг қад тиклашинг, курашларда ғолиб чиқишингга кўмаклашади.

Дилингни ҳаққа тиккил... Бу каломни тилга олганда, дилга жо қилганда инсон вужуди нурланади, етти қават осмоннинг қайсидир бурчидан товусранг қушлар учиб кепиб, тушда ҳам кўрилмаган ҳадсиз-ҳудудсиз ҳайратлар дунёсига олиб кетади кишини.

Дилингни ҳаққа тиккил... Дунёни гир айланиб ҳақиқат излаётганлар учун, тириклик орзуси — армони билан яшаётганлар учун яратгандан сўрови борлар учун муқаддас қадамжодир бу калом....

Бугун ҳувилламас кўнглим боғлари,
Унга қалдирғочлар учиб келишган.
Минг шукр, муқаддас қадамжо топдим,
Ҳақдан орзу сўраб, сажда қилишга.
Гоҳ тўлқин, гоҳ тўфон, бу шундай дайр,
Нажот қайиқлари билмам, келурми?!
«Ҳаққа дилингни тик...» Ёришар дунё,
Шунчалар ҳам соҳир калом бўлурми?!

Зубайда УСМОНОВА.

ВАТАННИ СЕВМОҚ ФАРЗДИР

Мустақил Ўзбекистонда ижодкор ўқитувчилар жуда кўп, деб гапиряпмиз. Лекин улар мустақилликни мустаҳкамлаш йўлида қандай ишларни амалга оширишяпти? Эртанги кун эгалари қай йўсинда тарбияланаётирлар. Биз ўқув йили якунланиши арафасида ушбу жараёнга ўзининг салмоқли ҳиссасини қўшаётган фидойи муаллима — Тошкент вилояти Зангиота туманидаги Зулфия Зокирова номли 25-ўрта мактабнинг бошланғич синф ўқитувчиси Раҳима Муҳиддинованинг 1-ўғил болалар синфи ўқувчиларини ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, улар онгига аҳиллик, тотувлик каби фазилатларни сингдириш борасидаги тажрибалари билан танишдик.

Опанинг тарбияга бағишланган бир соатлик очиқ дарсидамиз. Мавзу — Ватан туйғуси. Синфхона деворлари шунга монанд безатилган. Кўргазмали қуроллар — Ўзбекистоннинг давлат байроғи, шунингдек, герби, мадҳияси тасвири ва матни, расмлар, турли хил расмлардан тайёрланган «Ўзбекистон — Ватаним менинг» деб номланган суратли альбом, болалар бол ойномалар ўқувчиларга мавзу бўйича тушунча бериш учун тахт қилиб қўйилган.

Раҳима опа дарсда ким қатнашмаётганини, синф фаоллари ёрдамида аниқлади-да, тарбиявий машғулотни Абдулла Орипов сўзи, Мутал Бурхонов мусиқаси асосида яратилган, ҳар куни эрталаб радиода янграйдиган она юртимиз мадҳиясини ўқувчиларга магнитофонда қўйиб эшиттириш билан бошлади: Сўнгра у мадҳия ҳақида таҳлилий фикр юритиб, ўқувчиларга тушунча берди.

Фикр алмашувлари Ватан тушунчаси борасига кўчди. Мавзу бўйича ўқувчилар эътиборига «Ватан деганда нимани тушунасиз?», «Ватанпарварлар деб кимни айтамиз?», «Байроқдаги ранглар нимани билдирар экан?», «Гербдаги пахта, буғдой, Ҳумо қуши ҳақида нималар дея оласиз?» каби саволлар ҳавола қилинди.

Ватан тушунчаси жуда катта, кенг маънога эга. Ватан деганда биз мустақил Ўзбекистонимизни, унинг ҳудудини — битмас-туганмас бойликларини, шаҳар ва қишлоқларини, қир-адирларини, шарқираб оқаётган сойларини, гуллаб-яшнаётган боғларини, қорли тоғларини, жумладан, қишлоғимиз Хонободни ҳам тушунамиз, деб айтишди. Ўқувчилар ўз жавобларида.

Ўқитувчи ўзбек тупроғини дунёга машҳур қилган аллома ларни санаб, ҳар бир ўқувчи мактабда яхши ўқиб, одобли, ахлоқли бўлишса, уларга ўхшаб ном чиқариши ҳамда Ватанга муносиб фарзанд бўлиб етишишлари мумкинлигини таъкидлаб ўтди.

Республика байроғи, гербидаги тасвирлар ҳақидаги савол-жавоблардан сўнг ўқувчиларга Маҳмуд Муродовнинг «Икки ният» ҳикоясидан қуйидаги парча ўқиб берилди.

«...— Нега йиқилиб ётибсиз? — сўради яна Муроджон бувасидан.

— Йиқилган эмасман, Ётиб, ўз Ватаним ерини қучяпман. Азиз тупроғини ўпяпман. Бу биринчи ниятим эди.

— Иккинчиси ҳам борми?

— Бор эди. Унга ҳам эришдим. Қишлоққа кириб келганимда, уч-тўрт бола мени кўрди-ю, чопиб кетишди. Кейин билсам, улар ойимдан, сенинг катта бувингдан суюнчи олгани югуришган экан.

Онам кўчада оёқяланг, бошяланг менга томон югуриб келарди. Мен ҳам югурдим. Онам бағрига босди. Кўзидан оққан севинч ёшлари юзларимга тушди. Меҳр тўла илиқ лаблари юз-кўзимга тегди. Мен ҳам энтикиб-энтикиб соғинган онажонимнинг ажин босган, шўртак юзларидан ўпдим. Бу менинг фронтда юрганимда юрагимга туккан иккинчи ниятим эди».

Ўқувчилар ҳикоя мазмунидан яхши хулоса чиқаришди. Опа машғулотни моҳирлик билан Хонобод қишлоғи кишилари тарихига боғлаб юборди. Хонободдан ҳам кўпчилик урушга кетиб, жанг қилишган. Масалан, мактабимизга шу қишлоқда яшаб ўтган қаҳрамон она Зулфия Зокирова номи берилган. Унинг 5 нафар фарзанди Улуғ Ватан уруши жанггоҳларидан қайтмаган. Мард ўғлонлар она юрт шаънини ҳимоя қилишган...

Р. Муҳиддинова болаларни зеркишдан асраш ҳамда уларнинг чарчоғини ёзиш учун ўқувчилар билан «Саман тойчоқ» қўшиғини биргалашиб ижро этишди. Қўшиқ оҳанги ёрдамида болалар қалбида кўтарилган тўлқинни ўқитувчи усталик билан яна дарсга улаб юборди. Ўқувчилар навбати билан Ватан мавзуига бағишланган шеър, мақол ва ҳикматлар айтишди.

Ҳикматлар таҳлилидан кейин ўқувчилар ҳар хил кўринишлар акс этган расмларга қараб ҳикоя тузиш машқига ўтдилар. Унда жонажон Ватанимизнинг шаҳар-қишлоқлари ҳаёти, турмуш чорраҳалари, ибратли ҳикоятлар акс эттирилган.

— Бу хилдаги машқлар янги услуб бўлмаслиги мумкин, — дейди шу мактабнинг бошланғич синфлар бўйича ўқув ишлари мудири З. Турдиматова. — Лекин мазкур услуб ҳар бир ўқувчининг мустақил фикрлаш доирасини кенгайтиради, дарсликдаги тушунчаларни тез англаб олишига хизмат қилади.

Дарс Ватан ҳақидаги қўшиқ билан якунланди. Унинг мазмунидан шундай хулосага келиш мумкин: она юртга муносиб фарзанд бўлиш учун фақат яхши ва аъло баҳоларга ўқиш, намунали одоб-ахлоқ билан тенгдошларига ўрнак кўрсатиш, Ватан учун жон олиб, жон берганларни ҳамиша ёдда тутиш, эл-юрт манфаатлари йўлида меҳнатдан қочмаслик тамойилларига амал қилмоқликлари лозим бўлади. Бу тушунчаларни ўқувчилар онгига ижодкор муаллима Раҳима опа Муҳиддинова ўзига хос услубда етказа олди. Дарсдан кўзланган мақсад ҳам аслида шу эди.

Қурбонбой МАТҚУРБОНОВ, «Маърифат» мухбири.

МАОРИФЧИЛАР БАЙРАМИ

Ҳамза тумани халқ таълими бўлими ташкил этилганига 25 йил тўлди. Шу муносабат билан 77-ўрта мактабда юбилей кечаси бўлиб ўтди. Туман халқ таълими бўлими мудири Ислом Зокиров кечани қисқача кириш сўзи билан очди.

— Муаллимларга инсон маънавиятини тарбиялашдек ғоят мураккаб вазифани адо этиш топширилган экан, ҳамзаликлар, албатта, бу ишга қодир эканликларини сўзда эмас, амалда ҳам бажаришмоқда. Сўзимнинг исботи учун айрим далилларни келтириш жоиз бўлур. 1969 йили туманда бор-йўғи 18 та ўрта мактаб, 8 та кечки ишчи-ёшлар мактаби, 9 та болалар муассасаси мавжуд бўлса, ҳозирги кунда 30 дан ортиқ ўрта мактаб, 3 та кечки ишчи-ёшлар мактаби, 2 та спорт мактаби, 18 та болалар боғчаси ишлаб турибди.

ТАНЛОВ БЎЛИБ ЎТДИ

Самарқанд вилоят ўқувчилар ва ёшлар ижодий саройида «Мактабдан ташқари мутахассис» унвони учун кўрик-танлов бўлиб ўтди.

Танловда туманлараро ғолиб чиққан 8 нафар мактабдан ташқари мутахассис муаллимлар қатнашди. Қатнашчилардан, айниқса, Сиёб туман 27-мактаб мусиқа ўқитувчиси А. Аҳмаджонов, Булунғур туман мактаб ўқитувчиси С. Қўзиев ва Жомбой туман уй бекаси тўгарак раҳбари Дзюбалар кўп олқишга сазовор бўлдилар. А. Аҳмаджонов танлов ғолиби деб топилди.

М. РАУПОВ.

МУХБИРИМИЗ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ КАДРЛАР БОШҚАРМАСИНИНГ БОШ НАЗОРАТЧИ-УСЛУБЧИСИ М. С. УСМОНОВА БИЛАН БИТИМ ШАКЛИДАГИ МЕҲНАТ ШАРТНОМАСИ ТУЗИШНИНГ МОҲИЯТИ ВА БУ ИШНИНГ ЖОЙЛАРДА БОРИШИ ҲАҚИДА СУҲБАТЛАШДИ.

ЯНГИ ВА МУҲИМ ИШ

— Мукамбар Сайдалиевна, ўтган йилнинг сентябрь ойидан бошлаб халқ таълими муассасаларида маъмуриятлар билан педагогик ходимлар ўзаро муносабатининг илғор шакли жорий этила бошланди. Мен бу ўринда битим тузиш тизимини кўзда тутаяпман. Бу ҳақда педагогик газеталар («Маърифат» ва «Учитель Узбекистана»да битим-шартнома асосида ишлашга доир Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган Низом, уни шарҳлашга ва кенг тушунтириб беришга оид Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги масъул ходимларининг мақолалари ёритилди. Битим шаклидаги меҳнат шартномаси жойларда қандай амалга ошаяпти? У халқ таълими ходимлари томонидан умуман қандай қабул қилинди?

— Ҳа, бу янги, жуда муҳим ишни амалга оширишга киришишдан олдин Халқ таълими вазирлигининг олий, ўрта педагогика ўқув юртлари, ҳунар-техника билим юртлари ва барча хилдаги умумтаълим мактабларида битим асосида меҳнат шартномаси тузиш нуқтаи назаридан асосли замин яратувчи ишлар олиб борилди. Ҳукумат қарори чиқиши биланоқ Халқ таълими вазирлиги жойларга битим тизими тўғрисида ўз буйруғини юборди. Буйруққа биноан Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Тошкент шаҳар халқ таълими Бош бошқармаси, вилоят бошқармалари, педагогика ўқув юртлари ҳукумат қарорини бажариш юзасидан тадбирларни, битим шаклидаги меҳнат шартномаси тузишнинг мазмуни ва аҳамиятини тушунтириш бўйича ишлар графигини ишлаб чиқдилар. Мазкур масала — битим тизимига ўтиш бўйича барча вилоятларда, Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳрида семинар-кенгашлар ўтказилди. Ўз навбатида битим тизими тўғрисидаги Низом барча туман (шаҳар) халқ таълими бўлимлари, мактаблар, ҳунар-техника билим юртлари, педагогика институтлари ва ўрта педагогика ўқув юртларида кенг тарғиб этилди. Чамаси, буларнинг ҳаммаси ўз ижобий самарасини берди. Бундай ҳолларда халқ тушундими, демак, янгилик қабул қилинди, деб бекорга қайд этишмайди.

Чиндан ҳам, халқ таълими ходимлари битим шаклида меҳнат шартномаси тузиш тўғрисидаги Низомни маориф ходимларини, биринчи навбатда уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларни ҳимоялайдиган, агар таъбир жоиз бўлса, демократик руҳдаги ҳужжат сифатида эътироф этдилар. Ҳолбуки, эндиликда Низомга кўра халқ таълими муассасаси раҳбари ҳам, битим бўйича ишга қабул қилинган педагогик ходим ҳам қонун олдида тенгдир. Меҳнат шартномасида фаолият муддати, томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, меҳнатни ташкил этиш ва ҳақ тўлаш, ижтимоий-маиший шарт-шароитлар ва бошқа мажбуриятлар, хусусида гап борадики, томонлар ўз зиммаларига олган мажбуриятларни, шунингдек шартномани қайта тузиш ёки тўхтатиш шартларигача аниқ белгилаб оладилар. Қисқа қилиб айтганда, ўқитувчи ёки тарбиячи эндиликда раҳбарнинг кайфияти ёки инжиқлигига боғлиқ ҳолда ишламайди.

— Барча олиб борилган тарғибот-тушунтириш ишларидан сўнг эндиликда битим тизими тўғрисидаги Низом қандай амалга оширилаётганлиги, нима ишлар қилинганлигини айтиб берол майсизми?

— Шу йил 10 апрелгача бўлган маълумотларга кўра, республика умумтаълим мактабларида ишлаётган 384 минг педагогдан 248 минг нафари билан битим шаклидаги меҳнат шартномаси тузилди. Бу 63 фоизни ташкил этади. Ҳунар-техника билим юртларида 1,8 минг киши (87 фоиз), ўрта махсус педагогика ўқув юртларида 1,6 минг педагог (56 фоиз) ўзаро мажбуриятларни ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамладилар. Умуман, янгиланишдаги суръат ёмон эмас. Демак, халқ таълими муассасалари раҳбарлари бу муҳим ишга етарлича масъулият билан ёндашмоқдалар. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг махсус буйруғида қайд этилганидек, меҳнат шартномаларини битим шаклида қайта тузиш бўйича ишлар жорий йилда тугалланиши зарур.

Бироқ педагогик кадрлар билан битим шаклида меҳнат шартномасини қайта тузиш Самарқанд вилоятида май ойига режалаштирилган бўлишига қарамай, бу ерда эндигина иш бошланди. Вилоят халқ таълими бошқармаси, вилоятдаги таълим муассасалари раҳбарлари ва ходимлари йил охиригача жуда оз вақт қолганлиги ва ўқув йили тугалланаётганини, педагогик ходимлар эса меҳнат таътилига чиқаётганини жиддий эътиборга олиб, ишни фаол ташкил этишлари зарур. Бу бошқа айрим халқ таълими идораларига ҳам тааллуқлидир.

— Албатта, битим шаклида меҳнат шартномаси тузиш тўғрисидаги Низомни амалга ошириш мақсадга мувофиқ кечаётганлигига жуда ҳам ишонаман, бироқ... Вазирлик бу иш жараёнини кузатиб бораяптими ва, атайин қилинмаган бўлса-да, қандайдир хато-камчиликларни аниқладими?

— Ҳа, айтганингиздек, вазирлик ходимлари вазиятни бошқариб бормоқдалар. Яқинда биз бу масалада Тошкент шаҳри ва пойтахт вилоятидаги ишнинг аҳволини махсус ўрганиб чиқдик. Натижада шундай камчиликлар аниқландики, гарчи буларни нуқсонга йўл қўйиш деб атамасак-да, ҳар ҳолда битим тизими тўғрисидаги Низомни ҳамма ҳам етарли аниқ тушуниб олмагани, айрим ўринларда унинг у ёки бу бандини турлича англаш ҳоллари юз бергани маълум бўлди.

— Бу ниманинг оқибатида юз берган?

— Бу, биринчи навбатда, бузилаётган меҳнат шартномаси муддатларига эътибор қилинмаганидан юз берган. Вазирлар Маҳкамаси қарори билан тасдиқланган Низомда битим тузиш муддати бир йилдан беш йилгача деб белгилаб берилган. Бироқ жойларда меҳнат шартномаларининг аксарияти фақат бир йилга тузилган. Маълумки, ўқув-тарбия муассасасининг фаолияти ўқув йили давомида амалга ошади. Мана энди тасаввур қилиб кўринг, ноябрь ёки январь ойида бир йилга тузилган меҳнат шартномасининг муддати ўқув йили давомида — иккинчи ёки учинчи чоракда тугайди. У ҳолда нима бўлади? Ўз-ўзидан бу хол, аёнки, на у томонни, на бу томонни қониқтирмайди. Оқибатда шартномани мақсадга мувофиқ қайта тузишга муддатини ўқув йилининг охиригача узайтиришга тўғри келади. Демак, ўқув йили назарга олинса, бундай хол, айтайлик, агар ўқитувчи тузилган меҳнат шартномасини тўхтатган тақдирда ҳам мактаб маъмуриятининг бошқа мутахассис билан, ўқитувчининг бошқа муассаса раҳбари билан шартнома тузишга имконият яратади. Афсуски, айрим ўқув юртларида Низомга зид ҳолда меҳнат шартномаларини ярим йилга тузиш ҳоллари ҳам учраб турибди ва бу ўқув режаларидаги дарс соатларининг ўзгариши (қисқариши) мумкинлиги билан изоҳланаётир. Агар иш шундай бўладиган бўлса, яхшиси, битим асосидаги меҳнат шартномаси тузишни ўқув йили бошиданоқ муваққат қилиб белгилаган маъқулдир, деб ҳисоблаймиз.

Яна бир вазият. Ҳар йилги меҳнат таътили (иш кунлари ҳисобидан келиб чиқиб) шартномада махсус келишиб олинади. Берилган меҳнат таътилининг қанча давом этишини белгилашда тузилган шартнома муддатини ҳисобга олиш зарур. Бу ўринда шундан келиб чиқиш керакки, таътил даври ўқитувчи учун бошқа муассаса раҳбари билан, мактаб (ҳунар-техника билим юрти) директори учун эса бошқа мутахассис билан шартнома тузиш тўғрисида музокара олиб боришга қулай бўлсин.

— Меҳнат шартномаси тузишнинг мақсади яхши мутахассисни танлашдир. Шундайми?

— Ўқув юрти раҳбари педагогик жамоа ҳар бир аъзосининг имкониятини, унинг илмий-назарий ва услубий даражасини, касб маҳоратини яхши билади. (Бу ўринда қўшимча шуки, ўқитувчилар аттестацияси бекорга, хўжа кўрсинга ўтказилмаган). Бундай вазиятда кўпчилик ўқитувчилар билан ҳеч иккиланмай 3-5 йил муддатга меҳнат шартномаси (битим) тузишга дадил киришишга асос бор. Ишга бундай ёндашув педагогнинг ижодий ишлаши учун кенг имконият яратади.

— Ўқув юртлари раҳбарлари асосан ўз ходимларига бир хил мезон билан ёндашади, бир хил талаблар қўяди, улардан бир хилда юқори натижалар кутади. Бу тўғрими?

— Бу саволга жавоб беришдан олдин, аввало, фақат педагоглар эмас, балки ўқув юртининг раҳбарлари ҳам ўз ҳуқуқ ва бурчларини аниқ тасаввур қилишлари ҳақида фикр юритишга тўғри келади. Бу ҳуқуқ ва бурчлар «Таълим тўғрисида»ги Қонунда ва тасдиқланган малака тавсифномаларида белгилаб берилган.

Шу билан бирга, модомики ўқитувчига умумий талаблардан келиб чиқилганда ҳам, бир хил талаб қўйиш мумкин эмас. Бунда мактабнинг шарт-шароити ва имкониятларини, ўқитувчининг аниқ ихтисосини, унинг илмий-назарий ва услубий тайёргарлигини, малака тоифасини инобатга олиш керак. Агар бир ўқитувчига ўз устида кўпроқ ишлаш, касб маҳоратини ошириш шартлари қўйилса, бошқасининг фаолиятини ўқув-тарбия жараёнини такомиллаштиришга, ўз тажрибасини оммалаштиришга, ёшлар билан муваффақиятли ишларини олиб боришга йўналтирилади. Бунда, бир томондан, тенгма бўйича меҳнатга ҳақ тўлаш принципларига амал қилинса, иккинчи томондан, ҳар бир ўқитувчининг аниқ имкониятлари ҳисобга олинади.

— Битимда меҳнатга ҳақ тўлаш шартлари акс этиши зарур. Амалда бу қандай адо этилади? Холбуки, ҳозирги пайтда иш ҳақи миқдори тез-тез ўзгариб турибди...

— Бу ўринда тез-тез ураб турадиган, умумийликка хос бўлган бир мисол келтираман. Қўпгина ҳолларда шартномада иш ҳақи тўғрисидаги банд тўлдириб ёзилмайди. Холбуки, ўқув йили бошидаёқ педагогик ходимлар тарифларга бўлиниб, ана шу асосда улар меҳнатга ҳақ тўланмоқда. Айрим ўқитувчиларнинг ҳафталик дарс соатлари ўзгаришлар билан тасдиқланди, агар шартномада муайян сўм миқдори кўрсатилса, у ҳолда иш ҳақи доимийлигини қандай сақлаб бўлади, деган мулоҳазани айтишади. Маслаҳатлашув натижасида мукобил хулосага келинди, яъни битимнинг тааллуқли бандини «малака тоифаси ва иш ҳақи тарифлари асосида» сўзлари билан тўлдиришга қарор қилинди. Бундан ташқари, ҳар ўқув йилида ҳафталик дарс соатларини кўрсатиш учун битимнинг 15-бандида «Алоҳида шароитлар» деб аталувчи иборани қайд этиш лозимлигини мақсадга мувофиқ деб топилди.

— Дейлик, шартнома (битим) тузилди ва шу билан иш битадими, яъни у юридик кучга кирадими?

— Ҳа, шартнома (битим) тузилган сана кўрсатилиб, ҳар икки томон имзолаган кундан бошлаб юридик кучга киради. Битим асосида маъмурият буйруқ чиқаради. Ушбу буйруқ чиқарилган ёки чиқарилмаганидан қатъи назар, ходим ишга қабул қилинган ҳисобланади.

— Мукамбар Сайдалиевна, битим асосидаги меҳнат шартномасини расмийлаштириш давомида ўқув юрти раҳбарининг қандайдир ихтиёрий қарори бўлиши мумкинми? Бундай вазиятда педагогик ходим нима қилиши керак?

— Муассаса раҳбари томонидан ҳар қандай масалада, шу жумладан, битим тизимини амалга ошириш ишида ҳам ўзбошимча ҳаттиҳаракатларга йўл қўйилмайди. Бу — Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг қатъий фикридир. Мабодо кимда-ким ўзгача иш тутса, биз уни тартибга чақиришга қодирмиз. Ҳар ҳолда битим тўғрисида бундай вазиятлар рўй бериб қолса, жойлардаги халқ таълими бошқарув идораларига ёки вазирликка хабар қилиш зарур.

Суҳбатни А. ДОЛИМОВ олиб борди.

Янгилаш даври, янгиланиш даври

ДАВР ЎЗИ БИР АЖИБ МАКТАБ!

ШАРОФ РАШИДОВ ТУМАНИДА «ЭҲМДАН ЎҚУВ ЖАРАЁНИДА ФОЙДАЛАНИШ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ» МАВЗУИДА АНЖУМАН БЎЛИБ ЎТДИ.

— Бу йил мактаб билан хайрлашув дамлари аввалгиларига сира ҳам ўхшамади. Сўнгги қўнғироқ чалингунча неча марта ҳушнуд бўлиб, неча марта изтироб чекдик. Ошкоралик берган самимият, демократия берган ўз-ўзини танқид ўқувчиларимиз билан ўқитувчилар ўртасидаги ётсирашни аллақачон кўтариб юборганига амин бўлдим. Баҳонада ҳар биримиз дарсни қандай ўтишимизу, дарс жараёнида ўзимизни қандай тутишимизни билиб олдик...

Кекса мураббийлардан бири айтган гаплар нафақат таълим-тарбия жараёнида, балки ўқитувчиларимизу ўқувчиларимиз қалбида, шуурида жиддий ўзгаришлар юз бераётганидан далолатдир. Янгилашнинг ана шундай манзур ва марғуб жиҳатларини мен Ўзбекистон Халқ таълими вазири Ж. Ғ. ЙЎЛДОШЕВ сўзларида ҳам чуқур ҳис этдим:



«...мактабларимизга ўқув янгилигини аллақачоноқ олиб кириб қўйган эканмиз. Ким янги дастур яратса сотиб олиб, уларни жойларда тарқатишга ҳам шай турибмиз. Аммо қани янги дастурлар? Қани, кони фойда — компьютерлардан ўз ўрнида, ақл билан фойдаланиш? Қолаверса, мактабларимизнинг ярмидан кўпида компьютерлар бор. Аммо уларга болани ҳамма вақт ҳам кўнгилдагидек яқинлаштирмаяпмиз. Қимматбаҳо техника жиҳозларининг ғилофи очилмай мактабларнинг қайсидир омборларида ётганини ўйлаб куюниб кетасан, киши! Биз-ку, тезроқ янгилик бўлсин деб ҳали Австрия, ҳали Америкаю Туркия — бизга бағрини очган мамлакатлар билан алоқани яхшилаб, болаларимизни билимли қилишга интилаяпмиз. Японларнинг ҳар соҳада тезда олға кетгани — энг аввало мактабга эътиборни қаратганлигидан ҳам воқифмиз. Шундай экан, келинглар, компьютерни тушуниб, болаларга уларни тушунтира оладиган мураббийларга кенг йўл очайлик. Ўзимиз янги программалар яратиб, уларни бошқа мактабларга ҳам тарқатайлик!...».

Дарвоқе, ўша куни Шароф Рашидов тумани, Алишер Навоий номидаги 6-мактабга жумҳуриятимизнинг турли жойларида истиқомат қилаётган, ўқувчиларга компьютер техникасидан сабоқ беришга ихтисослашган мураббийлар ташриф буюрдилар. Меҳмонлар Шароф Рашидов ҳайкали пойига гулчамбарлар қўйдилар. Алишер Навоий ва «Абадият ва ҳаёт» майдони ҳам гуллар билан алвонлашиб кетди. Беихтиёр кўнглимдан кечган жумбоқлар тугуни ечилди: «Электрон-ҳисоблаш техникасидан ўқув жараёнида фойдаланишнинг самарадорлигини ошириш» мавзусидаги жумҳурият илмий-амалий кенгашининг бу ерда ўтиши бежиз эмас экан!

— Туман халқ таълими бўлими мудири, Ўзбекистон халқ ўқитувчиси Ҳ. Шукуров ўтган йили бамаслаҳат хайрли ишга қўл урган эди, — сўзини давом эттирди вазир. — Мана, энди бу майдон ҳақиқатан ҳам дил тортар, кўрса кўз қувонар жойга айланибди... Энди эса ўқув жараёнида компьютерларни чиндан ҳам қўллашга киришайлик деб бу ерга яхши ният билан йиғилиб турибмиз. Биргина шу туман мактаблари 16 КУВТ «Корвет» электрон-ҳисоблаш машиналари билан таъминланди. Очиғини айтиш керак, сизларда ҳам шундайдир, бошқа туманларда ҳам, болалар машина атрофида юришибди. У билан тиллаша олишмайди. Чунки у қулфланган. Болаларга машина қулфини очиб бериш сизу биздан кўп нарса талаб қилмайди. Жумҳуриятимизга келган, бизга ёрдам берамаи деб юрган айрим чет эллик меҳмонларга «Мактабларимизнинг ярмидан кўпи компьютерлаштирилган», десам ҳайратга тушади. Биз эмас, сизлар бизга ёрдам беришингиз керак экан-ку, деган фикрни уқаман уларнинг нигоҳларидан. Ҳақиқатан ҳам, дўппини олиб қўйиб ўйласак, ҳукуматимиз болалар учун, уларнинг чиндан ҳам билимдон бўлиб ўсиб-улғайишлари учун кўп ишларни қилиб қўйди. Жойлардаги ҳокимлар ҳам бизга ҳамиша ўнг кўз билан қараб келган ва бундан кейин ҳам шундай бўлишади, деб умид қиламан. Демак, улар билан келишиб, ворисларимизни техникага ўртоқ тутинтириб, улғайтиришимиз керак. Ўзингиз ўйлаб кўринг, қайси мамлакатда компьютерни текинга беришади? Аммо биз уларни аллақачоноқ текинга мактабларга тарқатиб қўйганмиз. Энди эса Москва ёки Ленинграддан уларнинг программасини кутиб ўтириш даври ўтди, десак рост гап. Биз ўзимиз янги иш услубларини яратишимиз, иш дастурини тузишимиз лозим. Бунинг учун сиз — азиз ўқитувчилар малака оширишингиз, бир-бирларингиз билан фикр алмашишингиз, бунинг учун шундай анжуманларни ташкил этишингиз шарт. Гап фалон куни фалон ерда жумҳуриятнинг шу соҳага тегишли ўқитувчиларини йиғиш ва бир битимга келиш ҳақида кетмаяпти. Бундай анжуманларни туман ёки вилоят миқёсида ҳам тез-тез ўтказиб туриш мумкин.

Шундан сўнг анжуман электрон-ҳисоблаш техникасини ўқув жараёнига тезроқ олиб кириш билан боғлиқ савол-жавоблар, турли давраларда қизғин давом этган ижодий мулоқотларга уланиб кетди.

Дастлаб сўзни Шароф Рашидов тумани ҳокими И. Т. АБДУРАСУЛОВ олди: — Ҳаётимизда бўлаётган турли ислоҳларни тўғри тушунишимиз керак. Ёшлар тарбияси ва билими даражасини кўнгилдагидек қилиб, уларни жаҳонга танита билмоқ — мустақил мамлакатимизнинг келажакдаги қадру қиммати ва мавқеини белгилайди. Компьютердан тўғри фойдаланиш — бўлажак фермер, ҳосилоту ҳисобчи, муҳандису хўжалик раҳбарларимизнинг саводини ошириш демакдир. Туманимизда «Дўстлик» давлат хўжалиги билан 11-мактаб, Темир Малик давлат хўжалиги билан 1-мактаб-бирлашма, Гулистон қишлоқ шўроси билан 4-мактаб информатика ўқитувчилари иш юритишу, турли ҳисоб-китоб қилиш жараёнлари ҳақида ўзаро битим тизишган. Бу ҳамкорлик бир тарафдан техникадан фойдаланишни тўғри ташкил этишга қаратилган, иккинчи тарафдан пуллик хизматнинг ҳам маълум тури ва манбаини юзага келтиради...

Қоғозсиз технология асримиз муаммоси эканлигини шу куни сўзга чиққанлар очиқ-ойдин изҳор этдилар. Аммо бу борада олиб борилаётган ишлар кўнгилдагидек эмас эканлигини алоҳида таъкидладилар. Боғчаю мактабларда компьютерларнинг мавжудлиги, аммо улардан унумли фойдаланмаслик ўқитувчини ҳам, тарбиячини ҳам қийнаётган муаммо. Компьютер билан ишлаш бўйича саводхонликни оширмай туриб, ўқувчиларимизнинг билим сифатини жаҳон стандарти даражасига етказиш мумкин эмас.

Хўжаликлардаги рентабеллик, иш юритишни олдиндан ҳисоб-китоб қилишда компьютернинг аҳамияти ва имконият даражалари беҳад экан, бугунги кунда кенг қўлланаётган тест синови ўзи нима? Анжуманда бу саволга ҳам алоҳида урғу берилди.

«Тест — инглизча текшириш, тадқиқ этиш, синаб кўриш дегани», деди ўз сўзида Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика институтининг «Халқ таълимини бошқаришнинг илмий асослари» кафедрасининг мудири, профессор АБДУҚАҲҲОР АБДУҚОДИРОВ: — Билим ва қобилиятни турли вазифалар ёрдамида текшириш салкам 4 минг йиллик тарихга эга. Тест — қисқа, стандарт ва одатда вақт билан чегараланган синовдир. Синов натижасига кўра, бажарувчининг баъзи бир тавсифи, шунингдек, унинг билими, кўникмаси ва малакаси ҳақида хулоса чиқариш мумкин. XIX асрнинг 30-йилларида мактабда ўзлаштиришни аниқлашга хизмат қилувчи тестлар Германияда, кейинчалик Америка Қўшма Штатларида яратилиб, янада ривожлантирилган. Ҳозирги пайтда бундай тестлар Буюк Британия, Скандинавия, Нидерландия, Туркия, АҚШ, Германия мактабларида муваффақият билан қўлланиб келинмоқда. Бу давлатларнинг барчасида ҳам тестлар замонавий компьютерларда ўтказилади.



Гулистон давлат университети ректори, профессор Р. ЖЎРАЕВ тест синовлари бизга ҳақиқий талабаларни танлаб бермоқда, — деди. Чунки турли баҳоналар билан ўқишни ташлаб кетганлар қайта қабул қилишимизни сўраб келмоқдалар. Уларнинг важ-баҳоналарини тинглаб, талаба бўлишга имконият яратишнинг энг оддий йўли — маълум дақиқаларда уларни синовдан ўтказишдир. Бунда ҳам тест қўл келади. Оддий ва исбот талаб қилмайдиган савол ва жавоблар талаба билимини яққол намоён этади. Эҳтимол, биз уларга диктант ёздирармиз, балки қоғозсиз, қаламсиз ҳам синов йўлларимиз борлигини кўрсатармиз. Тест саволларини ўзимиз тузар эканмиз, саволлар ҳам ҳар тарафлама ўқувчи билимини оширишига, фикр доирасини кенгайтиришига хизмат қилиш лозимлигини назардан қочирмаслигимиз керак. Бирор вилоятда қанча пахта етиштириладию, қанча чорва маҳсулотлари берилади, деган савол ҳам учрайди баъзан. Айтинг, бу билан ўқувчи нима ютадию, ўқитувчи унинг билимини қандай баҳолайди?..

— Анжуман иштирокчиларига компьютернинг моҳиятини тушунтириб ўтиришга менимча ҳожат йўқ, — деди туман халқ таълими бўлими мудири Х. Т. ШУКУРОВ. — Биз тест синови асосида ўқувчи ва талабаларнинг билим даражасини аниқлашда ҳам аждодларимиз ихтироларидан фойдаланишни ўрганайлик. Келажагимизнинг Берунийлари, Хоразмийлари, ибн Синоларини тарбиялаш бугунги мураббийларнинг зиммасида экан, бу уларнинг қанчалик иқтидору, санъатга, маҳорату, малакага эга эканликларида ҳам билинади. Туманимиздаги 14 та мактабда 17 та компьютер бор. 1-, 2- ва 6-мактабларда информатика кабинетлари мавжуд. Яқинда 17 ўқитувчимиз қайта тайёрлаш курсида ўқиб келдилар. Натижада Тошкентдаги ўзбек ўқув автоматика ишлаб чиқариш корхонаси билан шартнома тузилди. Улар мактабларимизни диспет ва дастурлар билан таъминлабгина қолмай, мавжуд компьютерларни таъмирлаб ҳам турадилар. Кузатишлардан ҳам маълумки, ЭҲМни ҳамма фанларда қўллаш мумкин. Бугунги кунда 28 нафар турли мутахассислик ўқитувчиларимиз Тошкентда мақсадли курсларда ўқияптилар. 52 ўқитувчимиз ЭҲМдан унумли фойдаланишни ўрганиб қайтдилар. Демак, улар бугунги кунда туманимиздаги 881 ўқитувчимизга ўз малака ва тажрибаларини ўргата оладилар. Айтайлик, Нурилла Эрназаров ўзининг 1-мактабида жамоа билан машғулотларни олиб бораётган бўлса, Кубарро Эралиева, Дилором Шукуровалар бошланғич таълимда, Гулзода Норбоева, Мавлуда Хўжақулова рус тили сабоқларида ЭҲМни қўлламоқдалар. 18 та методик бирлашмамизда ҳар бир фан бўйича иш олиб борилмоқда. Хуллас, бу йилги машинали-машинасиз вариантларда ўтиладиган имтиҳонларга пухта тайёргарлик кўриляпти.

Болаларингизни яхшилик билан тарбияланг, деб уқтирган экан бир донишманд. Бугунги кунда қиладиган яхшилик болаларимизни замонга монанд қилиб тарбиялаш, замонавий фан ва техника ютуқларидан баҳраманд қилишдир. Шу мақсадда фаолият кўрсатаётган 1-мактаб — бирлашмада мақтовга лойиқ ишлар талайгина экан. Мактаб директори МИРЗА БОБОЖОНОВ анжуман иштирокчиларига қарата шундай деди: — Пахтакор ҳудудлар яхши ўқитувчиларга муҳтож. Чунки бу ерда ҳамма ҳам ишлай олмайди. Шунингдек, ҳамма ҳам ишлаб қолавермайди. Шароит оғир. Ёз иссиқ, қиш совуқ. Лекин чўл ҳавосидан баҳра олганлар бу ерларга боғланиб қолишлари аниқ. Болаларимиз илмга чанқоқ...

Шу куни анжуман таассуротларини ўртоқлашаётган ўқитувчилар суҳбатига ҳам қулоқ солдим. Улар замонавий техниканинг ҳаётимиздаги ўрни, ўз билим даргоҳларида амалга оширилиши лозим бўлган ишлар ҳақида сўзлашарди:

УМСИНОЙ ЙЎЛЧИБОЕВА: — 27 йилдан бери Нодира номли 19-мактабда ишлайман. Бугунги кунда бошланғич мактабимизда 410 ўқувчи бор. Уларга 30 ўқитувчи сабоқ беради. Биз ҳам мактабимиз тезроқ компьютерлаштирилса-ю, болаларимиз онги, дид ва савияси, билим олиш даражаси шунга яраша ўзгарса... деб кутиб юрибмиз. Компьютер — кони фойда эканлигини айтсак адоғи йўқ. Болалар асосан беш ёшгача шаклланар экан. Демак, энди шакл топган ниҳолларни биз ўз ихтириёмизга оламиз. Уларни ҳар тарафлама етук инсонлар қилиб тарбиялаш ўз қўлимиздадир.

НОРНИСА ҚОСИМОВА: — Мен тумандаги ўнинчи мактабда директорман. Бу йилги битириш ва кириш имтиҳонларида тест синовлари қўлланилиши ҳаммамизни сезгирликка ундамоқда. Эндиликда ўқитувчиларимиз чиндан ҳам янгиликка ташна бўлиб, бола онгини шунга яраша шакллантириб боришлари керак. Компьютерлаштирилган мактабларда ҳам, ҳали бу мўъжизалар етиб бормаган ўқув даргоҳларида ҳам энг зарури ана шу янгиликка ташналик. Янгиликларни кечиктирмай жорий этиш керак.

ИСМАТИЛЛА ИСОҚОВ: — Гулистон Давлат Университети Математика факультети амалий математика ва программалаш кафедраси катта ўқитувчиси:

— ЭҲМ ёрдамида ўқувчиларга ҳар хил бошқотирмалар бериш йўли билан дарсларимизни қизиқарли қилиш мумкин. Компьютернинг тилсимларини биладиган ўқитувчилар даврасида эканлигимдан беҳад мамнунман. Тезроқ бу ўқитувчилар ўз мактабларида техника билан сирлашишни, ўқувчиларга унинг замонавий мўъжиза эканлигини тушунтириб, унга қизиқишларини орттиришларини орзу қиламан. Чунки айримларга бу машиналар очилмаган қўриқдай, калити йўқ тилсимдай гап. ЭҲМларнинг ўқув жараёнига кириб келиши барча имкониятлардан тўлиқ фойдаланиш кераклигини тақозо этмоқда. Бунга журъат топилса, қудратимиз етади.

Ҳа, журъатимиз топилса, ҳақиқатан ҳам, қудратимиз етади. Чунки вазир таъкидлаганларидек, 52 фоиз мактабларимизда замонавий ўқув дастгоҳлари — компьютерлар мавжуд экан, болаларимиз тезроқ у билан ўқиш, билим олиш кўникмаларини ҳосил қилишлари керак. Ўқувчининг ёш хусусиятлари эътиборга олинган ҳолда ўқитувчи ҳам ўз услуб ва усулларини янгилаб бориши даркор. Мустақил республикамиз Президенти таъкидлаганидек, «Халқимизнинг таянчи-аждодларимиз қолдирган маънавий мероснинг ўзи бир катта хазина. Бу хазинадан оқилона фойдаланиш лозим. Аждодлар васиятига содиқ ва муносиб бўлмоғимиз керак. Мадомики, шундай экан, илдизларимиз шу қадар чуқур кетган экан, демак, истиқлол иморатини ана ўшанга яраша юксакларга кўтаришга маънавий пойдеворимиз етарлидир».

Дарҳақиқат, истиқлол иморатини чуқур отган илдизларимизга монанд қилиб, ўтмиш ва замон янгиликлари билан сайқал топтириб қуриш — мустақил Ўзбекистон даъвати, давр тақозосидир. Давримиз эса янгиликларни илғаб олишга, яратиш, яшнатишга чорламоқда. Зеро, даврнинг ўзи — бир ажиб мактаб!

Умида АБДУАЗИМОВА.
Сирдарё вилояти.

ҲУНАРИ БОР ХОР БЎЛМАС

Туркий халқлар қадимий маданиятининг жаҳон тараққиётидаги ўрни салмоқлидир. Хуросон, Мовароуннаҳр, Афросиёб, Суғдиёна, Мароканд, Туркистон... ва яна бошқа кўплаб жойлар элининг меҳнатсеварлиги, ҳунармандчилиги, меҳнатга чанқоқлиги билан ўзини дунёга танитган диёр. Аҳмад Яссавий, Ал-Беруний, Ал-Форобий, ибн Сино, Маҳмуд Қошғарий, Алишер Навоий сингари буюк алломалар, Спитамен, Широқ, Муқанна, Жалолиддин Мангуберди, Темур Малик, Маҳмуд Торобий, соҳибқирон Амир Темур каби жасур ўғлонлар ана шу юртда таваллуд топди, дунё халқлари уларни таниди.

Гап бу ўлка халқлари тарихи ҳақида кетаркан, эндиликда алломалар авлодининг меҳнатга бўлган муносабати кўпчиликни қизиқтирмоқда.

Куни кеча республика ўқув-методика маркази биносида республика меҳнат таълими мутахассисларининг «Мактаб ўқувчиларининг иқтисодий маълумоти», «Таълим муассасаларида ихтисос — касб таълимини ташкил этишнинг ҳозирги кун муаммолари ва истиқболи» мавзуида семинар-кенгаши бўлиб ўтди.

Кенгаш одатдагидек номигагина, шунчаки маълумот учун эмас, балки ишчанлик руҳида, меҳнат таълими фанини мактабда ўқитишда мутахассислар олдида кўндаланг бўлаётган муаммолар, ўқувчиларнинг касбга қизиқишларини оширишдаги айрим нуқсонлар хусусидаги баҳс-мунозаралар руҳида ўтди.

Ўзбекистон халқ таълими вазирининг муовини Хайриддин Маъсудов анжуман қатнашчиларини қизғин қутлаб, семинар кенгашнинг олдига қўйилган асосий мақсад ва вазифаларга алоҳида тўхталди.

Шундан сўнг мактаб ўқитувчилари, ўқув ишлаб чиқариш комбинатининг раҳбарлари ҳунар-техника билим юртларидан келган мутасаддилар, олимлар, меҳнат таълими мутахассислари «Мактаб ўқувчиларининг иқтисодий маълумоти», ҳозирги шароитда мутахассислар олдида турган ва амалга оширилиши лозим бўлган ишлар ҳақида маъруза қилдилар. Анжуман иштирокчилари ўзларини қизиқтирган саволлар билан маърузачиларга мурожаат этиб, керакли жавоблар олишди.

Куннинг иккинчи ярмида анжуман иштирокчилари шўъбаларга бўлиниб, иш олиб бордилар. Тошкент шаҳридаги илғор мактаблар, ўқув ишлаб чиқариш комбинатларида бўлишиб, тажрибаларни ўртоқлашдилар.

Мухбиримиз.

Оила даврасида

ОНАМНИНГ ЎГИТЛАРИ

Назокатнинг келин бўлиб тушганидан буён озгина вақт ўтган бўлса-да, бутун маҳаллада дув-дув гап: «Ҳалима роса келинга ёлчиди-да, келининг бўлса шундай бўлсин!» Ота-боболаримиз: «Онасини кўриб қизини ол, қирғоғини кўриб бўзини ол» деб бежиз айтмаганлар. Онасининг ўзи ҳам аломат аёл-да...

Ҳалимахоннинг ҳам келин олгандан бери рангига ранг қўшилиб, тўлишиб қолди, кимлардир келин — қиз бўлмас, куёв — ўғил, дейди. Қиз бола бировнинг ҳасми, узатиб юборсанг — ҳафтадами, ойдами бир келади. Эрининг, қайнона, қайноталарининг измида, келининг эса ҳамиша сен билан ҳамроҳ. Шуларни ўйлар эканман, ойим раҳматликнинг гаплари ёдимга тушди. Қизингни кўришга борадиган бўлсанг, қудаларингдан, қизингдан изн сўраб бор, чунки қизингга бир ранж тегмасин, дердилар. Мабодо қизинг уйингга меҳмон бўлиб келса, неча соатга келдингиз, энди уйингизга борасизми, деб сўраб туриш лозим.

Бир суҳбатнинг гувоҳи бўлдим яқинда. Қизим, керак бўлсанг эринг келиб олиб кетар, мен ҳам мол, ҳам жон бериб қўйибман. Қайнонанг уй ишларида қарашиб турибдими, ану қақанлаган қайнсинглингни ҳеч бало қўлидан келар эканми? Эринг нималарни гапирди, қайнонанг билан ёлғиз қўйма, жодугар гап ўргатади, эрталаб кечроқ туравер, ёш нарса бемалол кийиниб-тараниб кейин чиқ, дерди бир она қизига.

Шундай оналарнинг шўрига шўрва тўкилади-да, деяверинг аслида. Чунки бирини қизи қулоғига олмаса, бирини олади. Натижада икки оила ёвқарашда бўлади.

Онам раҳматлик бу борада бундай дердилар: «Қизим қайнона-қайнотангни, қайнсингилларингни ҳурмат қил, энди ўшалар сенга биздан яқинроқ, боринг қизим, қудаларимни кўриб келинг, дейишсагина келгин. Бизни соғинсанг ҳам чида, қизим. Уй ишларини бажаришни пайсалга солиб ўтирма, қўлингдан келганча бажар, бир куни роҳатини кўрасан. Энг аввало, тилингни ширин қил, ана шу сенинг биринчи ҳуснинг, ярим давлатинг, билиб қўй. Эрингни ҳурмат қил. Эрингдан бесўроқ бирор жойга борма. Эринг ёмон кўрган одатларни қайтарма. Унга ота-онаси, ака-укаларини ҳеч қачон ёмон кўрсатиб гапирма, доимо яхши томонларини гапир, уларнинг даврасидан ўзингни четга олма, суйган таомларини тайёрла. Овқат еган маҳалда ҳам улар билан бирга егин, ўғринча ема. Кир ювсанг, ҳамманинг кирини юв, ажратиб қўйма. Эринг ишдан келганда салом бериб қўлидаги юкини ол, овқат бермай туриб кўп гапираверма. Хуллас, ўша оиланинг фарзанди бўл...».

Менга ойимлар ҳақиқий бир келин-қайнона орасидаги бўлган воқеани гапириб берганлари ёдимда. Не умидлар билан ёлғиз ўғлини ўстириб собит қадам бўлсин, ўзидан кўпайсин деб, Ҳамро буви ўғлини уйлантиради.

Бувининг орзулари ушалди, аммо фақат тунги қоронғуликни кўриб яшаган Ҳамро буви ёлғиз фарзандини уйлантириб ҳам ёруғ кун кўрмади. Келин қайнонасининг кўзи ожизлигидан фойдаланиб уни камситар, ҳатто овқатни ҳам ўзларига ёғли, серғўшт қилиб, бувидан қизғанарди. Невaралари бувисининг пинжига киришса, «кўрнинг олдига бормаларинг», деб ҳайдаган... Хуллас, ўғлидан ҳам бир ўғил, икки қиз набиралари бўлган, аммо улар бувисини пинжига кирса, яхши кўриб, борма кўрнинг олдига, деб келин бақирган.

Уни сўнгги манзилга кузатишганда ҳам келинининг кўзидан нам чиқмабди...

Ҳамро бувининг дили қаттиқ оғриган экан. Келини қирқ ёшлар чамасида ожиз бўлиб қолди. Буни қарангки, Ҳамро бувидан ёмонроқ кунни кўрди... Қайтар дунё, деганлари шу бўлса керак. Онамнинг ўгитларини эсларканман, фарзандларимга меҳр кўрсатарканман, ўзим қайнона-қайнотамга, қайнбўйинларимга қандай қараяпман, мендан кўнгли қолмаяптими, қайсидир ҳолатда дилларини оғритмадимми, деб хаёлга толаман. Онамнинг ўгитлари — оламни, одамни танитаркан, ўзимни, ўзгаларни тан олдирадиган ўгитлар экан...

Саломатхон ҲАСАНОВА.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ ИХТИЁРИДАГИ ЎРТА ПЕДАГОГИКА ЎҚУВ ЮРТЛАРИГА 1993 ЙИЛ ҚАБУЛ ҚОИДАЛАРИ

1. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ихтиёридаги ўрта педагогика ўқув юртларининг кундузги бўлимларига, 9 йиллик таянч маълумотга эга бўлган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, шунингдек, унинг ҳудудида яшовчи чет эллик ҳамда яқин ҳамдўстлик республикалари фуқаролари (шартнома асосида) қабул қилинадилар.

Индустриал-педагогика техникумларига ҳунар-техника билим юртларини тугатган ўрта маълумотли, шунингдек, 9 синф маълумотига эга бўлган ва ҳунар-техника билим юртида таълим олиш даврида ишчи касбини мукаммал эгаллаган шахслар қабул қилинадилар.

2. Барча ўқишга кирувчилар ўзларининг келиб чиқишларидан, жинсларидан, она тилларидан, ижтимоий ва моддий шароитларидан, ирқлари ва миллатларидан, эътиқодларидан, қайси партия ва динга мансубликларидан ёки муносабатларидан қатъи назар, тенг ҳуқуққа эгадирлар.

Чеклашлар фақат Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан белгиланган тиббий кўрсатмалар юзасидан бўлиши мумкин.

3. Ўрта педагогика ўқув юртига ўқишга кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топширадилар: ариза, маълумоти ҳақидаги ҳужжатнинг асл нусхаси, 086-У шаклидаги тиббиёт маълумотномаси, маъмурият томонидан тасдиқланган меҳнат дафтарчасидан ёки жамоа хўжалиги аъзоси дафтарчасидан кўчирма (амалий иш стажи борлар учун), 3х4 см ўлчамли 6 та фотосурат, паспорт (туғилганлиги ҳақидаги гувоҳнома), ҳарбий хизматга алоқадорлиги ҳақидаги ҳужжатлар қабул комиссиясига кирувчилар томонидан шахсан кўрсатилади.

4. Ўрта педагогика ўқув юртига ўқишга кирувчилар қуйидаги кириш имтиҳонларини топширадилар: 0302 «Меҳнат таълими», 0307 «Бошланғич синфларда ўқитиш» мутахассисликларига — она тили (диктант) ва математикадан (оғзаки); 0308 «Мактабгача тарбия мутахассислигига — она тили (диктант) ва биологиядан (оғзаки);

0303 «Жисмоний тарбия», 0305 «Мусиқа тарбияси», 0306 «Тасвирий санъат ва чизмачиликни ўқитиш» мутахассисликларига — она тили (диктант) ва мутахассислик фанидан;

Индустриал-педагогика техникумларига кирувчилар — мутахассислик фанидан (ихтисос бўйича синов), она тили (диктант) ва математикадан (оғзаки) кириш имтиҳонларини топширадилар.

5. Қабул имтиҳонлари таълим олиб бориладиган тилда ўтказилади. Кириш имтиҳонлари умумтаълим мактабининг таянч 9 синф ёки ўрта умумтаълим ҳажмига мувофиқ келадиган ҳамда Вазирлик томонидан тасдиқланган мутахассислик бўйича кириш имтиҳони дастурлари асосида ўтказилади.

6. Кундузги бўлимга ҳужжатлар 25 июндан 31 июлгача қабул қилинади. Имтиҳонлар 1 дан 20 августгача ва талабаликка қабул жараёни 25 августгача тугалланади.

7. Ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда ўқишга қабул қилиш ва имтиҳонларнинг ўтказилиш муддатлари ўқув юртлари томонидан маҳаллий матбуотда эълон қилинади.

8. Ўқишга кириш имтиҳонларида ижобий баҳо олган: етимлар, ота-она қаровисиз қолган болалар, имтиёзи ҳақида ҳарбий комиссариатдан гувоҳномаси бўлган заҳирага жўнатилган ҳарбий хизматчилар танловсиз қабул қилинадилар.

9. Ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда ўқишга биринчи навбатда танлов; танлаган мутахассисликлари бўйича ишлаётган шахслар; заҳирага бўшатилган ҳарбий хизматчилар (3 йил мобайнида); эгаллаган касбларига монанд мутахассисликка кираётган ҳунар-техника билим юртларининг битирувчилари орасида ўтказилади.

Юқорида тилга олинган абитуриентлардан ортиб қолган бўш ўринларга танлов қолган абитуриентлар орасида қабул имтиҳонларида тўплаган баллари асосида ўтказилади.

10. Имтиҳонларни муваффақиятли топшириб, қабул комиссияси танловидан ўтган шахслар ўқув юрти раҳбарининг буйруғи асосида талабалар сафига қабул қилинадилар.

11. Қабул билан боғлиқ бўлган барча бошқа масалаларни ўқув юрти қабул комиссиялари ва Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ушбу қабул қоидалари ва қабул комиссияси ҳақидаги Низом асосида кўриб чиқадилар.

Изоҳ: Тошкент шаҳар ўрта махсус педагогика ўқув юртларига қабул қоидалари, уларда қабул тест-синови усули билан ўтказилиши сабабли алоҳида эълон қилинмоқда.

ТОШКЕНТ ШАҲАР ЎРТА ПЕДАГОГИКА ЎҚУВ ЮРТЛАРИГА ҚАБУЛНИ ТАЖРИБА ТАРИҚАСИДА ТЕСТ СИНОВЛАРИ ВОСИТАСИДА ЎТКАЗИШ ҚОИДАЛАРИ

1. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг буйруғига мувофиқ Тошкент шаҳар педагогика билим юртлари ва 1-Тошкент индустриал-педагогика техникуми кундузги бўлимларига 1993-94 ўқув йили ўқувчилар қабули, тажриба тариқасида, тест синовлари усулида ўтказилади.

2. Тошкент шаҳар ўрта педагогика ўқув юртларининг кундузги бўлимларига 9 йиллик таянч маълумотига эга бўлган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, шунингдек, унинг ҳудудида яшовчи чет эллик ҳамда яқин ҳамдўстлик республикалари фуқаролари (шартнома асосида) қабул қилинадилар. 1-Тошкент индустриал-педагогика техникумига 9 синф маълумотига эга бўлган ва ҳунар-техника билим юртида таълим олиш даврида ишчи касбини мукаммал эгаллаган шахслар қабул қилинадилар.

3. Барча ўқишга кирувчилар ўзларининг ижтимоий келиб чиқишларидан, жинсларидан, она-тилларидан, ижтимоий ва моддий шароитларидан, ирқлари ва миллатларидан, эътиқодларидан, қайси партия ва динга мансубликларидан ёки муносабатларидан қатъи назар тенг ҳуқуққа эгадирлар.

Чеклашлар фақат Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан белгиланган тиббий кўрсатмалар юзасидан бўлиши мумкин.

4. Ўрта педагогика ўқув юртига ўқишга кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топширадилар: ариза, маълумоти ҳақидаги ҳужжатнинг асл нусхаси, 086/У шаклидаги тиббиёт маълумотномаси, 3х4 см ўлчамли 6 та фотосурат. Паспорт (туғилганлиги ҳақидаги гувоҳнома), ҳарбий хизматга алоқадорлиги ҳақидаги ҳужжатлар қабул комиссиясига кирувчилар томонидан шахсан кўрсатилади.

5. Ўқув юртларининг кундузги бўлимларига ҳужжатлар 25 июндан 31 июлгача иабул қилинади. 1993 йил 1 дан 20 августгача тасдиқланган жадвал асосида ЭҲМда тест синовларига тайёргарлик консультацияларн ва тест синовлари жараёни ўтказилади.

6. Тест синовлари топшириқлари қуйидаги 2 гуруҳ предметлар асосида тузилган бўлиб, ҳар бир абитуриент ўзи танлаган мутахассислиги бўйича ЭҲМлар ёрдамида тест-синовдан ўтади:

1. Она тили ва адабиёт; математика — 0307 «Бошланғич синфларда ўқитиш», 0302 — «Меҳнатни ўқитиш», 0301 «Касб таълими» мутахассисликлари учун.

2. Она тили ва адабиёт; биология — 0303 «Жисмоний тарбия», 0308 «Мактабгача тарбия», 0305 «Мусиқа тарбияси» мутахассисликлари учун.

7. Педагогика ўқув юртлари қабул комиссияларига ҳужжатларни қабул қилиш жараёнида кирувчилар билан касбга лаёқати бўйича суҳбат-синовлари ўтказиш ва улар натижалари асосида, ҳужжатларини шу касбга қабул қилиш ёки бошқа касбни танлашни тавсия этиш ҳуқуқи берилади.

8. Тест синовлари саволлари қатъий равишда умумтаълим мактабининг 9 синф таянч таълим ҳажмида тузилади, экспертлар таҳлилидан ўтказилади ва уларни махсус комиссия тасдиқлайди.

9. Тест синови вақтида, ҳар бир абитуриентга ҳар бир фандан 40 тадан, (умумий 2 та фан бўйича, 80 та) саволга жавоб берилиши сўралади. Тест синовларида қайта қатнашиш ман этилади.

10. Тест синовларига киритилган она тили ва адабиёти фанининг ҳар бир саволига берилган тўғри жавоб учун 3,1 балл, иккинчи фандан ҳар бир тўғри жавобга 2,1 балл белгиланади. Нотўғри берилган жавобларга балл берилмайди. Абитурентга тест-синовда тўплаган баллари ҳақида ЭҲМ экранида ахборот берилади ва у ёзма равишда ўқув юрти эълонлар тахтачасида қайд қилинади.

11. Абитурентларнинг тест синовларида тўплаган умумий баллари асосида қабул комиссияси ҳар бир ўқув юрти доирасида мутахассисликлар гуруҳи, таълимнинг қайси тилда олиб борилишига қараб талабалар танловини (конкурс) ўтказади. Танлов натижалари қабул комиссисининг махсус қарори билан тасдиқланади.

12. Тест синовлари аосида қабул жараёнида ҳеч бир абитуриентга имтиёз берилмайди. Бунда барча абитуриентлар тенг ҳуқуқли бўлиб, қабулнинг асосий мезони уларнинг билимлари ҳисобланади.

13. Ўқув юрти директорининг қабул тўғрисидаги буйруғи 25 августгача расмийлаштирилади ва ўқув юрти эълонлар тахтачасида қайд этилади.

14. Қабул билан боғлиқ бўлган барча бошқа масалаларни ўқув юрти қабул комиссиялари ва Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ушбу қабул қоидалари ва қабул комисияси ҳақидаги Низом асосида кўриб чиқадилар.

Ғазалкент шаҳрида ақли заиф болалар учун Тошкент вилоятининг 125-ёрдамчи махсус мактаб-интернати фаолият кўрсатаяпти. Унга тажрибали педагог ва ташкилотчи Ўрол Давронов раҳбарлик қилаётир. Мактаб-интернат эски бинода жойлашганлиги боис оғир шароитга қарамай, жонкуяр раҳбар саъй-ҳаракати билан 100 ўринли ошхона, омборхона, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сақлайдиган алоҳида хона қуришга эришилди.

Мактаб-интернат қошида тиббиёт маркази ҳам бор. У ерда хизмат кўрсатаётган тиббиёт ходимларидан А. Беркинбоева, М. Аҳмедов, С. Жумангуловалар ўз касбининг фидойилари ҳисобланишади. Улар доимо болаларнинг соғлом ўсишлари учун ўзларини масъул сезишади.

Тасвирларда: пухта, пишиқ қилинган юмуш барчага манзур бўлади, — дейди директор болаларга далда бериб. Болалар нутқини ўстиришга якка тартибдаги фаолият асқотяпти.

И. ПОРТНОВ суратга олган.

КУРСЛАРГА КЕЛУВЧИЛАР ДИҚҚАТИГА!

Абдулла Авлоний номидаги халқ таълими ходимлари малакасини ошириш Марказий институтида 1993 йил 1 июндан халқ хўжалиги режаси асосида навбатдаги курслар ишлай бошлайди.

Унда қуйидаги соҳаларнинг мутахассислари таклиф қилинади.

Олий ва биринчи тоифали меҳнат таълими ўқитувчилари. Ўзбек гуруҳи — 1 — 28 июнь.

«Еш саёҳатчилар» станцияси методист-инструкторлари (10 кунлик саёҳати билан). Ўзбек гуруҳи — 1 — 28 июнь.

Туман (шаҳар) ХТБнинг кадрлар бўлими назоратчилари. Ўзбек гуруҳи — 7 — 19 июнь.

Туман (шаҳар) ХТБнинг жисмоний тарбия бўйича назоратчи-методистлари. Ўзбек гуруҳи — 7 — 19 июнь.

Астрономия фани ўқитувчилари. Ўзбек гуруҳи — 7 — 19 июнь.

ЭҲМни ўқув жараёнига татбиқ этиш: — олий ва биринчи тоифали математика ўқитувчилари. (Маърузачилар гуруҳи). Рус гуруҳи — 17 — 30 июнь.

Олий ва биринчи тоифали кимё, биология ўқитувчилари (маърузачилар гуруҳи). Ўзбек гуруҳи — 7 — 19 июнь.

Математиканинг долзарб масалаларига оид мақсадли курс. Ўзбек гуруҳи — 17 — 30 июнь.

Туман (шаҳар) бошланғич синф ўқитувчилари методбирлашма раҳбарлари. Ўзбек гуруҳи — 7 — 19 июнь.

Ўзбек тили ва адабиёт ўқитувчилари методбирлашма раҳбарлари. Ўзбек гуруҳи — 7 — 19 июнь.

Эски ўзбек (араб) ёзувини ўрганиш (маърузачилар гуруҳи). Ўзбек гуруҳи — 1 — 28 июнь.

Нутқий болалар боғчаларининг тарбиячилари (нутқида нуқсонлари бор болалар учун). Рус гуруҳи — 1 — 28 июнь.

Биологияни чуқур ўрганадиган мактаб ўқитувчилари. Ўзбек гуруҳи — 1 — 28 июнь.

Ҳунар-техника билим юртларининг жисмоний тарбия раҳбарлари ва ўқитувчилари. Ўзбек гуруҳи — 1 — 28 июнь.

Туман (шаҳар) мактабларининг чақириққача ёшларни тарбиялаш бўйича методбирлашма раҳбарлари. Ўзбек гуруҳи — 7 — 19 июнь.

Туман (шаҳар) методмаҳкамасининг кутубхона фонди бўйича методистлари. Ўзбек гуруҳи — 7 — 26 июнь.

Тарих бўйича туман (шаҳар) методмаҳкама методистлари. Ўзбек гуруҳи — 1 — 28 июнь.

Курсга келган тингловчилар бепул ётоқхона билан таъминанадилар ҳамда йўл ҳаражатлари ва суткалик ҳақлари институт ҳисобидан тўланади.

24 кунлик курс тингловчилари санаторно-курортний варақаларн билан институт қошидаги санаторий-профилакторияга жойлашишлари мумкин.

МАНЗИЛГОҲИМИЗ: Тошкент шаҳар, С. Раҳимов туман, Саидова кўчаси, 6-уй. Студентлар шаҳарчаси.

ҚУТЛАЙМИЗ!

Муҳтарам Мавжуда МИРВАЛИЕВА!

Таваллуд топганингизга 55 йил тўлганлиги муносабати билан чин юракдан муборакбод этамиз. Ўттиз йилдирки, мактабда таълим-тарбия ишларини юксалтиришда ҳалол меҳнат қилиб келмоқдасиз. Сизга ҳамиша саломатлик, боқий умр, доимий бахт ва зафарлар ёр бўлсин.

Юнусобод туманидаги 17-мактаб жамоаси ва шогирдларингиз.

Суянч тоғимиз Мастурахон ЙЎЛДОШЕВА!

Сиз борсизки, умид бор, бахт бор. Юрган йўлларингиз ёруғ бўлсин. Сиздек меҳрибон, оқила аёлнинг яқин кишилари бўлганлигимиз учун толедан миннатдормиз.

Сиз чарчоқни билмайсиз. Бизни оқ ювиб, оқ тарайсиз. Мактабда шогирдларингизга таълим-тарбия берасиз. Улардан Сиз ҳақингизда ҳамиша яхши сўзлар эшитиб, кўнглимиз тоғдек юксалади.

Туғилган кунингиз қутлуғ бўлсин. Умрингиз боқий, кунларингиз нурга тўлсин.

Муҳаббат билан умр йўлдошингиз ва фарзандларингиз.

Қадрли Мажид УРИНОВ!

Ўқитувчилик касбига бўлган оташин меҳрингиз туфайли элда обрў-эътибор топдингиз. Олижаноб ва шарафли касбда ишлаб, 60 баҳорни қаршилаяпсиз. Ўтган йиллар ичида фидойи меҳнатингиз билан устозмураббий даражасига етдингиз.

Самарқанд вилояти Паст Дарғом туманидаги 10-мактаб жамоаси Сизни таваллуд кунингиз билан чин юракдан қутлаб, муборакбод этамиз.

МУСИҚА САВОДИНИ ОШИРАЙЛИК

Ўзбек мусиқа маданиятимиз қадимий ва бой меросга эга. Унинг мазмунида халқимизнинг миллий руҳияти, олий инсоний фазилатлари, бадиий маънавияти, истиқлол ва мустақиллик учун кураши ҳамда орзу-умидлари ёрқин ифодасини топади.

Ҳозирги давр таълим-тарбиясида энг асосий вазифалардан бири ёш авлодни ахлоқий пок, жисмоний баркамол, маънавий гўзал қилиб тарбиялашдир. Бу вазифаларни амалга оширишда мусиқий таълим-тарбиянинг ўрни бениҳоят катта бўлмоғи керак. Шу боис А. Авлоний номидаги республика халқ таълими ходимлари малакасини ошириш Марказий институти режасига мувофиқ Хоразм вилояти халқ таълими бўлими, вилоят ўқитувчилар малакасини ошириш институти, Ўзбекистон Республикаси мусиқа муаллимлари ижодий уюшмаси ҳамкорлигида яқинда Хоразм вилоятида «Таълим-тарбия жараёнида миллий халқ мусиқаси анъаналаридан фойдаланиш тажрибасидан» мавзусида ўтказилган республика назарий ва амалий кенгаш муаммоси ҳозирги даврда болаларимизни ўзбек миллий халқ қўшиқлари, чолғу асбобларига қизиқишларини янада орттиришларига бағишланди.

Кенгашда республика вилоятлари малака ошириш институтлари мусиқа маҳкамасининг мудирлари, Хоразм вилоят мусиқа фани методбирлашма раҳбарлари, ўқитувчилари, тўгарак раҳбарлари иштирок этдилар. Вилоят халқ таълими бошқармаси бошлиғининг муовини Илҳом Ҳайитов, вилоят ўқитувчилар малакасини ошириш институти директори Қуронбой Нуримовлар сўзга чиқиб анжуман ишларига муваффақият тилаб, меҳмонларни табрикладилар. Шундан сўнг кенгашни «Таълим ва тарбия жараёнида миллий халқ мусиқаси анъаналарининг ўқувчиларда миллий маданиятни шакллантиришдаги ўрни» мавзусидаги маъруза билан А. Авлоний номидаги республика халқ таълими ходимлари малакасини ошириш Марказий институтининг мусиқа курси раҳбари М. Толипов сўзга чиқиб, кейинги уч йил ичида малака ошириш мазмуни ва шакли такомиллашганлиги, ўқув режалари ўзгарганлиги, мусиқа таълим-тарбиясида миллий меросимизга, унинг бойлигини идрок эта оладиган ва қадрлайдиган маданиятли ёшларни вояга етказиш асосий вазифа эканлигини, бу мақсад ва вазифаларни ҳал этишда ўқитувчилар ижодкорлигига таяниш, илғор тажрибалар асосида миллий мусиқа бойлигимиз ва маданий анъаналаримизга алоҳида аҳамият берган ҳолда ҳал этилиши мумкинлигини таъкидлаб ўтди.

Мусиқа фани бўйича дастурлар, дарсликлар, қўлланмалар, қўшиқлар ва тўпламлар муаллифи, Қори-Ниёзий номидаги ЎзПФИТИ катта илмий ходими, Ўзбекистон Республикаси мусиқа муаллимлари ижодий уюшмасининг президенти, доцент Д. Омонуллаев сўзга чиқиб, ҳозирги мусиқа таълим-тарбиясидаги муаммолар, янгиликлар, уюшмада олиб борилаётган ишлар ва истиқбол режалари билан кенгаш аъзоларини таништирди.

Фарғона вилоят ўқитувчилар малакасини ошириш илмгоҳининг мусиқавий тарбия бўйича ўқув-услубиёт хонаси мудири Э. Мирзаев «Мусиқа машғулотларида ўқувчиларни миллий халқ қўшиқлари ва чолғу асбобларимизга қизиқишларини орттириш», Хоразм вилояти ўқитувчилар малакасини ошириш институти мусиқа маҳкамасининг мудираси С. Собирова «Ўқувчиларнинг мусиқа маданиятини шакллантиришда Хоразм халқ мусиқасининг ўрни», Урганч мусиқа билим юрти муаллими Ф. Матёқубова «Хоразм дутор тароналари», Урганч шаҳридаги 15-мактабнинг мусиқа муаллими Ю. Панов «Мусиқа дарсларида ўзбек халқи мусиқа меросидан фойдаланиш тажрибасидан», Янгиариқ туман 1-мактабнинг мусиқа муаллими А. Жуматов «Дарс ва дарсдан ташқари машғулотлар орқали ўқувчиларни миллий халқ мусиқасига қизиқтириш йўллари» мавзусида маъруза қилдилар. Юқорида кўрсатилган мавзулар юзасидан мусиқа ўқитувчилари, мусиқашунослар ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар, қизиққан саволларига жавоб олдилар.

Мазкур кенгашнинг иккинчи қисми асосан вилоятдаги мусиқа таълим-тарбия мактабларида, болалар уйида, болалар боғчасида ўтди.

Мухбиримиз.

Бош муҳаррир

Саъдулла ҲАКИМ.

Тошкент давлат университети қошидаги С. Х. Сироожиддинов номли лицей жамоаси шу лицейнинг ўқитувчиси Абдураҳим Саидовга умр йўлдоши

САИДОВА Мавлуда Абдулҳамид Ҳожи қизи

вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

Таъсис этувчилар: Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги Халқ таълими ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий қўмитаси ҳамда Ўзбекистон Педагогика жамияти

МАНЗИЛГОҲИМИЗ: 700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

ТЕЛЕФОНЛАР: масъул секретарь — 32-54-17, хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 32-55-58, 52-35.

ИНДЕКС: 64595.

Рўйхатдан ўтиш тартиб № 000040. Буюртма Г—239. 117209 нусхада босилди, ҳажми — 2 босма табоқ. Офсет усулида босилган, қоғоз бичими А—2. Босишга топшириш вақти 20.00.

Босишга топширилди — 20.00.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Маҳкама сининг Ишлар бошқармаси ҳузуридаги «Шарқ» нашриёт-матбаа концерни. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй. 123456.